Гос. пол. ... 2 ИЮЛ 1982

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

5 НОЯБРЬ, 1982 ЙИЛ. ЖУМА № 252 (2.658). Баҳоси 3 тийин.

БАЙРАМОЛДИ МУСОБАҚАСИ АВЖ ОЛАВЕРСИН!

ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ

Ленин номли колхоз Каттақўрғон районидаги хўжаликлар ичида катта карвон. Колхознинг 39 та пахтачилик бригадаси 2740 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Пахтакорлар ҳосилдорликни йил сайин ошириб бормоқдалар. Баҳор ва ёз ойларининг қуруқ келиши, сувнинг кам бўлишига қарамасдан колхоз заршуносларининг ишончиликлар эвазига бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Улар ҳосилдорликни гектарига 33 центнер ўрнига 45 центнерга кўтариб. Ватан хирмонига пландаги 8 минг 950 тонна ўрнига 13 минг тонна юқори сифатли «оқ олтин» уюшга аҳд қилганлар.

Хўжалик далаларидамиз. Шийпон ёнгинасидан бошланган пайкал олис уфқларга туташиб кетган. Пахтазорда ҳаёт жўш уради. Оппоқ дениз узра вазмин сузаётган агрегатлар белга этак боғлаган чаккон теримчилар, бирдам тиним билмайди.

—Юз бир гектар пахта майдонимиз бор, — дейди бригада бошлиғи Орзи Шоннёзов эгат оралаб вазмин қадам ташлар экан. — Гектарига 33 центнердан план белгиланган эди. колхозда биринчилар катори адо этдик. Энди мажбурият ҳисобига пахта топширямиз. Ниятимиз СССРнинг 60 йиллиги шарафига 60 центнердан ҳосил кўтариш.

Пайкалларда ҳосил мўл. Гектарига 40 центнердан ошириб ҳосил йиғилганига қарамасдан оппоқ пахталар кўзни қувонтиради. Терим суръати ҳам ҳосилга яраша. Аҳил коллектив навбатдаги ўн кунликда бригадалар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақанинг якунларига кўра ғолиб деб топилиб, район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Бригада кўп йиллардан бери пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириб келмоқда. Ҳосилдорлик гектарига 45—50 центнердан тушгани йўқ. Бу ютуқлар учун бригада бошлиғи ўнинчи беш йиллик якунларига кўра Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг «Москвич» автомашинаси билан мукофотланди.

— Теримда илгарилаб кетиш учун аввало шунга яраша ҳосил яратиш керак, — дейди Орзи ака. — Ахир пахта кўп бўлса, яхши очилса, терим енгиллашиб, суръат ошади-да.

Биз бригаданинг дала шийпони билан таннишган эканмиз, бу ерда пахтакорларнинг маданий дам олишларига алоҳида эътибор берилаётганлигини ҳис этдик. Чинорлар соясида айвон, чорпоялар, сарҳовуз. фонтан, бир четда душхона. Шийпон юксак дид билан жиҳозланган. Гилам ва поёндозлар тўшаб қўйилган. Телевизор, радио, газета ва журналлар бор. Шийпон қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган бўлиб, чорва моллари ва паррандалар боқилмоқда. Сабзавот ва полиз экинларининг беш-олти тури етиштирилаётир. Бу сўлим даргоҳ Самарқанд область партия комитети ўтказадиган дала шийпонларининг анъанавий кўрик-конкурсида шу йилнинг ғолиби деб топилган эди.

Пахтакорларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши уларнинг руҳини тетик, белини бақувват қилди. пировард натижада катта ҳосил бунёд этилди. Ғалвир сувдан кўтарилиб, ҳосил йиғиштириб олинаётган айни долзарб кунларда бригада аъзолари бир тан—бир жон бўлиб. теримга зўр бераяптилар. Айниқса, механизаторларнинг иши унумли бўлаётир. Турсун Очилов ва Умар Мардоновларнинг бири мавсумда —300, иккинчиси — 250 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олишган. Катта тажриба эгаси бўлган бу механик-ҳайдовчилар қўш қаторли терим агрегатлари бункеридан 9—10 тоннадангача пахта тўкиб, юксак марра сари дадил яқинлашмоқдалар. Ҳайринисо Ҳасанова, Хуршида Юсупова, Зулхумор Йўлдошева каби чеварлар —кўпмингкилограммчилар мусобақаси пешқадамлари.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шониёз Турсунов бошлиқ бригада ҳам илғорлар қатори дастлаки маррани эгаллади. Шониёз ака районда моҳир пахта устаси сифатида эътибор қозонган. Чунки у сўнгги йигирма йилдан зиёдроқ муддатда икки-уч бригадани қолоқликдан чиқарди. Ҳар гал коллектив юқори поғонага кўтарилгач, яна янги қолоқ бригадага ўтди. Коммунист пахтакор мазкур бригадани учинчи йил бошқаряпти. Коллектив аъзолари гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжалламоқдалар. Биз Шониёз акани бригаданинг пахта қуритиш пунктида учратдик.

—Сўнгги қунлар ёмғир ёғиб, намгарчилик кўп бўлди, —деди у вазмин. —Терилган пахтани қуритиб, кейин топширмасак, сифатдан ютқазиб қўямиз. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунда қуритиш пунктидаги ишларга йиғим-теримнинг асосий участкаси сифатида қараяпмиз.

Таъкидлаш керак, мазкур бригадада Тошкент технологияси кенг қўлланилаётгани туфайли яхши натижаларга эришиляпти. Жумладан. бригада коллективи ўтган ўн кунликда йиллик планнинг 60 проценти миқдорида ҳосилни йиғиштириб олди.

— Илгарилари экишдан тортиб, парваришу. дефолиация — ҳамма агротехник жараёнлар хийла чўзилиб кетарди, —дейди Ш. Турсунов. — Бу йил экишни 6 иш кунида тугатдик. Бутун майдонларни бир кунда дефолиациядан чиқардик. Карабсизки, ҳамма пайкаллар бир пайтда бодроқдек очилиб берди. Бу ҳам Тошкент технологияси шарофати.

Бирин-кетин дастлабки довондан ошиб, юксак мажбурият — СССРнинг 60 йиллиги шарафига 60 центнерлик хирмон кўтаришга бел боғлаган Ҳайрулла Ёмонов, Ҳамид Ҳалилов, Иброҳим Мингбоев, Мирза Исаев, Дамин Қодиров, Баҳриддин Мажидовлар бошқараётган пешқадам бригадаларда ҳам терим ишлари жадал олиб бориляпти. 6 та терим-транспорт отряди актив фаолият кўрсатаётир. Бу отрядларга 40 та терим агрегати, 75 та транспорт трактори, 200 та тележка, 16 та кўрак терадиган, 30 та кўрак чувийдиган машина ва бошқа механизмлар бириктириб қўйилган.

Республика партия ва ҳукумати Мурожаатини ўқиб-ўрганган аҳил коллектив янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Теримда техника асосий куч. Ундан самарали фойдаланишга интилиш бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятидир. Хўжаликда мавжуд агрегатларнинг ҳар бири билан ўртача 150 тоннадан пахта тўкиш планлаштирилган. Зиммасига 250—300 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олган Шопўлат Раҳмонов, Турсун Очилов, Эргаш Турдиев, Мейли Муродов, Аҳмад Умаров, Алим Турсунов, Оппоқ Тожиева сингари моҳир механизаторлар умум ишига салмоқли улуш қўшмоқдалар.

Оммавий-сиёсий ишлар маркази пахтазорга кўчирилган. 260 нафар агитатор ва пропагандист, 160 нафар сиёсий ахборотчи теримда фаол қатнашиш билан бирга дам олиш пайтларида шу қунининг муҳим мавзуларида ихчам, аммо сермазмун лекция ва суҳбатлар ўтказаётирлар. Колхознинг «Чаман» ансамбли тароналари гоҳ у, гоҳ бу бригаданинг дала шийпонида жаранглайди.

— Толаси пишиқ, эртаги пахта етиштиришнинг ҳадисини олямиз, —деди колхоз раиси Муқаддас Шодиев хайрлашаётганимизда. — Демак, ҳосил мўл ва сифатли бўлади. Ҳозирги кун натижалари шуни тасдиқлаяпти.

М. ЭРАЛИЕВ.
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Қимматхон Матбобоева Риштон районидаги Навоий номли совхознинг пешқадам механик-ҳайдовчиларидан бири. Мавсумда 250 тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилган бу техника жиловкори ўзига бириктирилган терим машинасини унумли ишлатишга эришаётир. Шунинг учун ҳам унинг ҳозирга қадар терган пахтаси 200 тоннадан ошиб кетди.

Т. Хамроқулов фотоси.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Хоразм области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошира борқиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг давлатга дон ва мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш планлари бажарилганлиги муносабати билан республика меҳнаткашларига йўллаган табрикномасидан руҳланиб, шу йилнинг мислсиз сув тақчиллигини бартараф этиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар, ҳосил йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари 3 ноябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига Хоразмнинг 418 минг тоннадан кўпроқ пахтаси элтиб берилди. Ҳозиргача гектар бошига ўрта ҳисобда 39,9 центнердан ҳосил кўтарилди. Тайёрланган пахтанинг 232 минг тоннаси механизмлар ёрдамида териб олинди.

Областнинг барча районлари пахтакорларнинг меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар. Гурлан, Хонқа, Хива, Шовот, Янгибозор, Боғот, Қўшкўпир районларининг меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар етиштирилган бутун ҳосилни йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллаш, ҳамда Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги ва КПСС Марказий Комитетининг бўлажак пленуми шарафига қабул қилинган оширилган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашмоқдалар.

Хазорасп, Урганч ва Янгиариқ районларининг хўжаликлари пахта тайёрлаш планини бажарш арафасида турибдилар.

Областдаги 40 та колхоз гектар бошига 40 центнердан кўпроқ пахта ҳосили олди. Боғот районидаги Нариманов номли, Гурлан районидаги «Коммуна», «Правда», «Коммунизм». Қўшкўпир районидаги Ленин номли, Урганч районидаги Охунбобоев номли, Ленин номли, Хазорасп районидаги Жданов номли, Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Хива районидаги Беруний номли, Фрунзе номли, Шовот районидаги «Партия XIX съезди», «Ленинград», Янгиариқ районидаги Киров номли, Янгибозор районидаги «Ленинизм» колхозлари ва бошқа колхозлар шулар жумласидандир.

Энг юқори ҳосилдорликка эришиш учун курашда Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз пешқадамлик қиляпти. Бу ерда ҳозиргача гектар бошига 49 центнердан пахта териб олинди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Салой Худойқулиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Зарип Қурбонов, Машариф Мавлонов, Васиёз Маҳмудов, Матёқуб Матназаров, Ободон Дўстова, Ўғилжон Нуруллаева, СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳожи Самдов, шунингдек Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозидан Аллом Маткаримов ва Гулиммат Ҳайтимметов, Киров номли колхоздан Карим ва Қурёз

(Давоми учинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1982 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг таклифини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

Фан ва техника соҳасида 1982 йилги СССР Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

I.

ФАН СОҲАСИДА

1. СССР Фанлар академияси назарий астрономия институти бўлимларининг мудирлари, физика-математика фанлари докторлари Виктор Кузьмич **Абалакин**-Виктор Александрович **Брумберга**, шу институтнинг катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати Георгий Альбертович **Красинскийга**, СССР Фанлар академияси радиотехника ва электроника институтининг катта илмий ходими, техника фанлари кандидати Юрий Николаевич **Александровга**, шу институт лабораторияларининг мудирлари, физика-математика фанлари кандидати Геннадий Михайлович **Петровга**, техника фанлари кандидати Анатолий Михайлович **Шаховскийга**, Москва электрон машинасозлик институтининг профессори техника фанлари доктори Михаил Дмитриевич **Кисликка**, илмий-тадқиқот институтининг ходимлари, катта илмий ходим, техника фанлари кандидати Юрий Федорович **Колюкка** лаборатория бошлиғи, техника фанлари кандидати Валентин Федорович **Тихоновга**, бўлим бошлиғи, техника фанлари кандидати Константин Георгиевич **Суханова**, СССР Фанлар академияси бош астрономия обсерваторияси Николаев бўлими лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари кандидати Григорий Матвеевич **Петровга**, СССР Фанлар академияси М. В. Келдиш номидаги амалий математика институтининг катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати Виктор Аркадьевич **Степанянца**, —қуёш системасидаги ички планеталар ягона релятивистик ҳаракат назариясини яратиш борасидаги ишлар туркуми учун.

2. СССР Фанлар академияси Л. Д. Ландау номидаги назарий физика институти бўлимининг мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Алексей Алексеевич **Абрикосовга**, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети кафедрасининг мудири, физика-математика фанлари доктори Николай Борисович **Брандтга**, шу университетнинг доценти, физика математика-фанлари доктори Сергей Михайлович **Чудиновга**, СССР Фанлар академияси Урал илмий маркази металлар физикаси институти директорининг ўринбосари, академик Сергей Васильевич **Вонсовскийга**, шу институтнинг ходимлари — лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори Исаак Михайлович **Цидильковскийга**, кичик илмий ходим Эдгар Артурович **Нейфельдга**, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номидаги физика институтининг катта илмий ходими, физика- математика фанлари доктори Юрий Васильевич **Копаевга**, СССР Фанлар академияси А. Ф. Иоффе номидаги физика-техника институтининг сектор мудири, физика математика фанлари доктори Владимир Иванович **Иванов-Омскийга**, шу институтнинг катта илмий ходимлари, физика-математика фанлари докторлари Борис Львович **Гельмунтга**, Виталий Иванович **Стафеевга**, физика-математика фанлари кандидатлари Виктор Константинович **Огородниковга**, Ксения Павловна **Смекаловага** — тирқишсиз ярим ўтказгичлар ва экситон фазаларни олдиндан айтиб бериш, уларни топиш ва тадқиқ этиш борасидаги ишлар туркуми учун.

3. С. И. Вавилов номидаги давлат оптика институтининг ходимлари — катта илмий ходим, физика-математика фанлари доктори Юрий Алексеевич **Ананьевга**, бўлим бошлиғи, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Юрий Николаевич **Денисоккга**, лаборатория бошлиғи, физика-математика фанлари кандидати. Дмитрий Иванович **Стаселькога**. Белоруссия ССР Фанлар академияси физика институтининг директори, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг академиги Борис Иванович **Степановга**, директор ўринбосари, Белоруссия ССР фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Павел Андреевич **Апанасевичга**, шу институтнинг ходимлари, — катта илмий ходим. физика-математика фанлари кандидати Евгений Васильевич **Ивакинга**, лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори Александр Сергеевич **Рубановга**, Украина ССР Фанлар академияси физика институтининг бўлим мудирлари, Украина ССР фанлар академиясининг академиги Михаил Семёнович **Бродинга**, физика-математика фанлари доктори Марат Самуилович **Соскинга**, шу институтнинг катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати Сергей Георгиевич **Одуловга**, СССР Фанлар академияси Қозон филиали, Қозон физика-техника институтининг катта илмий ходими, физика-математика фанлри кандидати Евгений Иванович **Штирковга**, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номидаги физика институтининг катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати Альбина Ивановна **Соколовскаяга**, — 1969—1980 йилларда эълон қилинган «Динамик голографиянинг физик асослари ва нур толалари фазовий структурасини ўзгартиришнинг янги методлари» ишлари туркуми учун.

4. Иш раҳбари, физика-математика фанлари доктори Сергей Иванович **Сировацкийга**, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номидаги физика институтининг кичик илмий ходимлари, физика-математика фанлари кандидати Сергей Владимирович **Булановга**, физика-математика фанлари кандидати Владимир Александрович **Догелга**, Андрей Зокирович **Хўжаевга**, шу институтнинг катта илмий ходимлари, физика-математика фанлари кандидатлари

(Давоми 2-бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1982 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги СССР Ленин мукофотлари ва Давлат мукофотлари комитетининг таклифларини кўриб чиқиб 1982 йилги СССР Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилади:

1. Грузия ССР халқ рассоми, ҳайкалторош Элгужа Давидович **Амашукели**, Грузия ССРда хизмат кўрсатган архитектор Вахтанг Владимирович **Давитаягa** —Гори шаҳридаги Ғалаба монументи ва Поти шаҳридаги қаҳрамон денгизчилар шуҳрати ёдгорлиги учун.

2. Ёзувчи Григорий Яковлевич **Бакловга** — «Мангу ўн тўққиз ёшлилар» қиссаси учун.

3. РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор Дмитрий Иванович **Бурдинга** (марҳум), архитекторлар Владимир Александрович **Климов**, Юрий Романович **Рабаев**, инженер — конструктор Марк Николаевич **Швехман**, РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими технолог Алексей Хруршудович **Абуков**, СССР халқ рассоми, монументалчи рассом Зураб Константинович **Церетели**, бинокор инженерлар Наум Владимирович **Свердлин**, Виктор Петрович **Шчелкуновга** — Москва шаҳридаги «Измайлово» меҳмонхоналар комплексининг архитектураси учун.

4. Латвия ССР халқ шоири Ояр Оттович **Вациетисга** — «Мени кечир, Ватан», «Дилимни англасалар дейман», «Тонгга эътиқод» шеърлар туркумлари ва «Фон Вульф ўрмонига саёҳат», «Фортепиано концерти» достонлари учун.

5. Архитектор Александр Александрович **Великанов**, РСФСРда хизмат кўрсатган архитектор Владилен Дмитриевич **Красильников**, архитектор Александр Михайлович **Скегин**, ҳайкалтарошлар —Удмуртия АССР халқ рассоми Александр Николаевич **Бурганов**, Вячеслав Михайлович **Кликовга** — Москва давлат болалар музикали театрининг архитектураси учун (болалар учун адабиёт ва санъат асарларига бериладиган мукофот).

6. Сценарий автори Евгений Серафимович **Велтистовга**, режиссёр Константин Леонидович **Бромберг**, операторлар Константин Викторович **Апрятин**, Александр Николаевич **Полянников**, рассом Владимир Михайлович **Ликов**, композитор Евгений Павлович **Крилатовга** — «Электроникнинг саргузаштлари» телевизион бадиий фильми учун (болалар учун адабиёт ва санъат асарларига бериладиган мукофот).

7. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Ричард Николаевич **Викторов**, оператор Александр Георгиевич **Рибин**, рассом Константин Иванович **Загорский**, РСФСР халқ артисти, мультипликация режиссёри Роман Абелевич **Качанов**, мультипликация рассоми Наталья Вячеславовна **Орлова**, тарих фанлари доктори, сценарийлар автори Кир **Буличев** (Игорь Всеволодович Можейко)га — «Машаққатлар оша юлдузлар сари» бадиий фильми ва «Учинчи планета сири» мультипликацион фильми учун (болалар учун адабиёт ва санъат асарларига бериладиган мукофот).

8. Ёзувчи Олесь (Александр Терентьевич) **Гончарга** — «Сенинг иқболинг» романи учун.

9. Ёзувчи Виталий Александрович **Закруткинга** — «Дунёнинг яратилиши» романи учун.

10. РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими, сценарийлар автори ва телекўрсатувлар бошловчиси Георгий Иванович **Зубковга** — «Париж. Нега энди Маяковский?» телевизион ҳужжатли фильми ва «Париж оқшомлари», «СССР — Франция: дўстлик ва ҳамкорлик маршрутлари бўйлаб» телекўрсатувлари учун.

11. Сценарий авторлари — Техника фанлари доктори Михаил Борисович **Игнатьев**, техника фанлари кандидати Леонид Павлович **Клауз**, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Леонид Михайлович **Волков**, оператор Евгений Михайлович **Голубевга** — «Инсон ва робот» илмий-оммабоп фильми учун.

12. Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Адамбек Қадрбекович **Капанов**, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Қалдибай Жумағалиевич **Монтахаев**, архитектор Марк Павлович **Павлов**, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Рустем Аббасович **Сейдалин**, архитектор Юрий Богданович **Туманян**, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, инженер Камил Қурманғалиевич **Нурмаков**, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Андрей Григорьевич **Статенин**, бинокор Несипбай **Қўшибаевга** — Олмаота шаҳридаги янги майдон бинолари комплексининг архитектураси учун.

13. СССР халқ артисти Бернора Раҳимовна **Қориева**—А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театридаги «Анна Каренина», «Нотаниш аёл», «Заҳарланган ҳаёт», «Элегия» балетларида ролларни ижро этганлиги учун.

14. РСФСР халқ артисти, Москва камер хорининг бадиий раҳбари Владимир Николаевич **Мининга** — 1978 — 1981 йиллардаги концерт программалари учун.

15. Филология фанлари доктори Василий Васильевич **Новиковга** — «Тарихнинг ҳаракати —адабиётнинг ҳаракати» китоби учун. Танқидчи Борис Дмитриевич **Панкинга** — «Жиддий адабиёт» китоби учун.

16. Сценарий авторлари ва режиссёрлар — СССР халқ артисти Юрий Николаевич **Озеров**, РСФСР халқ артисти Борис Николаевич **Ричков**, операторлар— РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Николай Владимирович **Олоновский**, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Лев Алексеевич **Максимов**, РСФСР халқ артисти, мультипликация режиссери Федор Савельевич **Хитрук**, РСФСР халқ артисти, композитор Александра Николаевна **Пахмутова**, фильм текстининг ва қўшиқлар текстининг автори Николай Николаевич **Добронравов**, РСФСР халқ артисти, фильм текстининг автори ва шарҳчи Николай Николаевич **Озеровга** — «Эй, спорт, сен-тинчликсан!» бадиий — публицистик фильми учун.

17. Ҳайкалтарошлар — РСФСРда хизмат кўрсатган рассом Юрий Григорьевич **Орехов**, РСФСРда хизмат кўрсатган архитектор Валентин Алексеевич **Петербургжцев**, РСФСРда хизмат кўрсатган архитектор Александр Владимирович **Степановга**,— Орёл шаҳридаги Н. С. Лесков ҳайкали учун.

18. СССР халқ артисти Ростислав Янович **Пляттга**— Моссовет номидаги Давлат академик театрида кейинги йиллардаги спектакларда роллар ижро этганлиги учун.

19. РСФСР халқ артисти Ян Абрамович **Френкелга** — —кейинги йиллардаги қўшиқлари учун.

20. Ёзувчи • Владимир Алексеевич **Чивилихинга** — «Хотира» роман-очерки учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. ТИХОНОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1982 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошн биринчи бетда).

Борис Всеволодович **Сомовга**, Анна Глебовна **Франкка**, СССР Фанлар академияси ер магнитизми, ионосфера ва радио тўлқинлари тарқалиши институтининг катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати Юзеф Данилович **Жугждага**, шу институтнинг кичик илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати Ольга Павловна **Шмелевага**, назарий ва экспериментал физика институти лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари доктори Владимир Сергеевич **Имшенникка**, шу институтнинг катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати Павел Васильевич **Сасоровга**, СССР Фанлар академияси А. Ф. Иоффе номидаги физика-техника институтининг катта илмий ходими, физика-математика фанлари доктори Галя Всеволодовна **Островскаяга**, — 1966—1980 йилларда эълон қилинган «Токли қатламлар динамикаси ва қуёш активлиги» ишлари туркуми учун.

5. СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими ҳисоблаш марказининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Анатолий Семёнович **Алексеевга**, СССР Фанлар академияси В. А. Стеклов номидаги математика институти Ленинград бўлимининг ходимлари, лаборатория мудирлари, физика-математика фанлари докторлари Василий Михайлович **Бабичга**, Георгий Иванович **Петрашенга**, катта илмий ходимлар, физика-математика фанлари докторлари Павел Владимирович **Крауклисга**, Лев Анатольевич **Молотковга**, А. А. Жданов номидаги Ленинград Давлат университетининг профессори, физика-математика фанлари доктори Владимир Сергеевич **Бульдиревга**, шу университетнинг катта илмий ходимлари, физика-математика фанлари докторлари Иван Анатольевич **Молотковга**, Татьяна Борисовна **Яновскаяга**, — 1950—1980 йилларда эълон қилинган «Сейсмик тўлқинлар тарқалиш назариясининг асимптотик методларини ишлаб чиқиш ва геофизикадаги динамик майдонларни ҳисоблашда шу методларни қўллаш» ишлари туркуми учун.

6. Иш раҳбари, Украина ССР Фанлар академияси ишшиқлик проблемалари институтининг директори, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги Георгий Степанович **Писаренкога**, директор ўринбосарлари, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги Валерий Трофимович **Трошченкога**, физика-математика фанлари доктори Валентин Владимирович **Матвеевга**, шу институтнинг ходимлари, бўлим раҳбарлари, Украина ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Анатолий Алексеевич **Лебедевга**, физика-математика фанлари доктори Арнольд Янович **Красовскийга**, техника фанлари доктори Георгий Николаевич **Третьяченкога**, техника фанлари кандидатлари Александр Львович **Квиткога**, Игорь Андреевич **Козловга**, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги номидаги Киев политехника институтининг профессори, техника фанлари доктори Эммануил Соломонович **Уманскийга**, — 1980 йилда эълон қилинган икки томлик «Экстремал шароитларда материаллар ва конструкция элементларининг пишиқлиги» монографияси учун.

7. Иш раҳбарлари СССР Фанлар академияси А. Н. Несмеянов номидаги элементоорганик бирикмалар институти лабораториясининг мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Марк Ефимович **Вольпинга**, СССР Фанлар академияси химия-физикаси институти директорининг ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Александр Евгеньевич **Шиловга**, СССР Фанлар академияси А. Н. Несмеянов номидаги элементоорганик бирикмалар институтининг ходимлари, кичик илмий ходим, химия фанлари кандидати Маргарита Александровна **Илатовскаяга**, катта илмий ходим, химия фанлари кандидати Владимир Мордухович-Берович **Шургa**, СССР Фанлар академияси химия физикаси институтининг ходимлари, лаборатория мудири, химия фанлари доктори Юрий Георгиевич **Бородькога**, катта илмий ходимлар, химия фанлари кандидатлари Николай Тимофеевич **Денисовга**, Луиза Александровна **Никоновага**, Алла Константиновна **Шиловага**, — 1964—1980 йилларда эълон қилинган «Молекуляр азотни ўткинчи металл бирикмалари билан химиявий қайд этиш» ишлари туркуми учун.

8. Иш раҳбарлари, СССР Фанлар академияси М. М. Шемякин номидаги биоорганик химия институтининг директори, академик Юрий Анатольевич **Овчинниковга**, СССР Фанлар академияси молекуляр генетика институти лабораториясининг мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Роман Бениаминович **Хесин-Лурьега**, СССР Фанлар академияси М. М. Шемякин номидаги биоорганик химия институтининг катта илмий ходимлари, химия фанлари доктори Евгений Давидович **Свердловга**, химия фанлари кандидатлари Валерий Михайлович **Либкинга**, Николай Николаевич **Модяновга**, Галина Сергеевна **Монастирскаяга**, СССР Фанлар академияси молекуляр генетика институтининг катта илмий ходимлари, биология фанлари кандидатлари София Захаровна **Миндлинга**, Вадим Георгиевич **Никифоровга**, Ирина Александровна **Бассга**, Юрий Николаевич **Зографга**, — 1968—1980 йилларда эълон қилинган рибонуклеазалар тузилиши ва генетикасига доир ишлар туркуми учун.

9. Иш раҳбарлари, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Артем Владимирович **Арциховскийга**, тарих фанлари доктори Анатолий Михайлович **Сахаровга**, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори Анатолий Дмитриевич **Горскийга**, шу университетнинг ходимлари, тарих фанлари доктори, профессор Петр Павлович **Епифановга**, тарих фанлари кандидатлари Алексей Константинович **Леонтьевга**, Владимир Сергеевич **Шульгинга**, Геннадий Герасимович **Громовга**, филология фанлари кандидати, доцент Олег Владимирович **Орловга**, СССР Фанлар академияси Славяншунослик ва балканистика институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати Александр Иванович **Роговга**, Бутуниттифоқ реставрация илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, санъатшунослик кандидати Герольд Иванович **Вздорновга**, санъатшунослик доктори Михаил Андреевич **Ильинга**, — 1969—1979 йилларда эълон қилинган олти томлик «XIII—XVII асрлар рус маданияти очерклари» илмий асарлари учун.

10. Иш раҳбари, СССР Фанлар академияси рус тили институти секторининг мудири, филология фанлари доктори Наталья Юльевна **Шведовага**, шу институтнинг ходимлари, директор ўринбосари филология фанлари доктори Валерий Васильевич **Ивановга**, катта илмий ходимлар, филология фанлари докторлари Ирина Ильинична **Ковтуновага**, Владимир Владимирович **Лопатингa**, Игорь Степанович **Улуханова**га, филология фанлари кандидатлари Ирина Николаевна **Кручининага**, Майя Валентиновна **Ляпонга**, Вера Александровна **Робинсонга**, кичик илмий ходимлар, филология фанлари кандидатлари Светлана Николаевна **Дмитренкога**, Мария Семёновна **Сухановага**, СССР Фанлар академияси тилшунослик институти Ленинград бўлимининг сектор мудири, филология фанлари доктори Александр Владимирович **Бондаркога**, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг доценти, филология фанлари кандидати Елена Андреевна **Бризгуновага**, — 1980 йилда эълон қилинган икки томлик «Рус грамматикаси» илмий асарлари учун.

11. Иш раҳбари, экономика фанлари доктори Иван Андреевич **Гладковга**, СССР Фанлар академияси иктисомий фанлар илмий информация институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Владимир Алексеевич **Виноградовга**, СССР Фанлар академияси экономика институтининг ходимлари, директор, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Евгений Иванович **Капустинга**, сектор мудири, экономика фанлари доктори Юрий Федорович **Воробьевга**, катта илмий ходимлар, экономика фанлари доктори Анна Николаевна **Марковага**, экономика фанлари кандидатлари Валерий Дмитриевич **Калининга**, Лидия Николаевна **Камушергa**, Нина Дмитриевна **Лелюхинага**, Светлана Николаевна **Лапинага**, шу институтнинг собиқ катта илмий ходими, экономика фанлари кандидати Аврам Иосифович **Коссойга**, СССР Фанлар академияси табиатшунослик ва техника тарихи институти директорининг ўринбосари, экономика фанлари доктори Виталий Алексеевич **Жаминга**, СССР Госплани бўлими бошлиғининг ўринбосари, экономика фанлари доктори Рафаиль Александрович **Локшинга**, — 1976—1980 йилларда эълон қилинган етти томлик «СССР социалистик экономикасининг тарихи» илмий асарлари учун.

12. СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ онкология илмий марказининг директори, академик Николай Николаевич **Блохинга**, шу илмий марказ бўлимининг раҳбари, медицина фанлари доктори Александр Васильевич **Чаклинга**, СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ кардиология илмий марказининг ходимлари, бўлим раҳбари, СССР медицина академиясининг мухбир аъзоси Анатолий Михайлович **Вихертга**, лаборатория раҳбари, медицина фанлари доктори Валентин Сергеевич **Жданова**га, шу илмий марказнинг собиқ катта илмий ходими, медицина фанлари доктори Евгения Евгеньевна **Матовага**, СССР Медицина фанлари академияси одам морфологияси илмий-тадқиқот институтининг директори, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Александр Павлович **Авцинга**, Қозоғистон онкология ва радиология илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири, медицина фанлари доктори Нелли Ивановна **Количевага**, Иркутск медицина институти кафедрасининг мудири, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Константин Рафанович **Седовга**, СССР Медицина фанлари академияси неврология илмий-тадқиқот институтининг директори, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Евгений Владимирович **Шмидтга**, шу институт лабораториясининг раҳбари, медицина фанлари доктори Евгеньевич **Смирновга**, Грузия ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги республика онкология илмий маркази бўлимининг раҳбари, медицина фанлари доктори Леван Иосифович **Чарквианига**, Рига медицина институти кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори Михаил Петрович **Митрофановга**, — юрак қон-томир касалликлари, онкологик ва асаб касалликларининг географик патологияси ва эпидемиологиясига доир ишлар туркуми учун.

13. Иш раҳбарлари, И. М. Сеченов номидаги 1-Москва медицина институти кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори Зинаида Николаевна **Кочемасовага**, сил касалликлари марказий илмий-тадқиқот институти директори, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир-аъзоси Александр Григорьевич **Хоменкога**, 1-марказий клиник касалхонасининг бактериологик врачи, медицина фанлари кандидати Двойра Яковлевна **Бакановага**, И. М. Сеченов номидаги 1-Москва медицина институтининг профессори, медицина фанлари доктори Марина Михайловна **Дихнога**, шу институтнинг катта ўқитувчиси, медицина фанлари кандидати Нина Георгиевна **Кассирскаяга**, сил касалликлари марказий илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходимлари, медицина фанлари докторлари Инна Рафаиловна **Дорожковага**, Зоя Сергеевна **Земсковага**, — сил касаллигини химиявий йўл билан даволаш жараёнида микробактериал популяцияга доир кор қилмаслик ҳамда уларнинг миқдорий ўзгаришлари Л—трансформациясининг клиник аҳамиятига доир ишлари туркуми учун.

14. Иш раҳбари, техника фанлари доктори Олег Алексеевич **Есинга**, С. М. Киров номидаги Урал политехника институти кафедрасининг мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Павел Владимирович **Гельдга**, шу институтнинг ходимлари, профессорлар, кафедра мудирлари, техника фанлари докторлари Леонид Николаевич **Бармингa**, Станислав Иосифович **Попелга**, Вадим Владимирович **Хлиновга**, техника фанлари докторлари Юрий Петрович **Никитинга**, Геннадий Александрович **Топоришчева**, химия фанлари доктори Анатолий Иванович **Сотниковга**, СССР Фанлар академияси Урал илмий маркази металлургия институтининг ходимлари, директор, академик Николай Анатольевич **Ватолинга**, директор ўринбосари, техника фанлари доктори Борис Михайлович **Лепинскихга**, лаборатория мудири, химия фанлари доктори Эдуард Андреевич **Пастуховга**, Москва пўлат ва қотишмалар институти кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори Владимир Иванович **Явойскийга**, — 1957—1980 йилларда эълон қилинган «металлургик қотишмаларнинг тузилиши, хоссалари ва ўзаро таъсирларини тадқиқ этиш» ишлари туркуми учун.

15. Москва автомобиль йўллари институти кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори Сергей Владимирович **Шестоперовга**, — транспорт ва гидротехник қурилишлар учун кўпга чидайдиган ва совуққа бардош берадиган бетон яратиш илмий асосларини ишлаб чиққанлиги учун.

II. ТЕХНИКА СОҲАСИДА

1. Охта «Пластполимер» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари, бўлим мудирлари, химия фанлари кандидати Екатерина Ивановна **Егоровага**, техника фанлари кандидати Виталий Васильевич **Консетовга**, лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Юрий Михайлович **Горфункелга**, катта илмий ходим Валентина Михайловна **Булатовага**, слесарь Николай Алексеевич **Михайловга**, Украина пластмасса, резина ва сунъий чармни қайта ишлайдиган машина-ускуналар ишлаб чиқиш илмий-тадқиқот ва конструкторлик институти директорининг ўринбосари, техника фанлари кандидати Анатолий Иванович **Иванченкога**, Днепродзержинск «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехининг бошлиғи Владислав Анатольевич **Коблянскийга**, Ленинград химия машинасозлиги илмий-тадқиқот ва конструкторлик институти бўлимининг мудири Владимир Дмитриевич **Медведевга**, СССРнинг 50 йиллиги номидаги Салават «Салаватнефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси спирт заводининг директори Александр Алексеевич **Смородинга**, Серго Оржоникидзе номидаги Горловка «Стироль» ишлаб чариш бирлашмаси цехининг бошлиғи Владимир Кузьмич **Уваровга**, пластмасса илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, техника фанлари кандидати Гарри Исакович **Файделга**, — зарба бардош берадиган полистирол ишлаб чиқарадиган машина ускуналар ва ғоятда самарали жараённи ишлаб чиққанликлари ҳамда уни саноат қўламида жорий этганликлари учун.

2. Бош Тюмень геологик ишлаб чиқариш бошқармасининг ходимлари, Тюмень тематик экспедициясининг бош геофизиги, геология-минералогия фанлари кандидати Влер Хатипович **Ахнясовга**, Тюмень геофизика трестининг бош геофизиги, техника фанлари кандидати Олег Михайлович **Нелепченкога**, Бутуниттифоқ ядровий геофизика ва геохимия илмий-тадқиқот институтининг директори, техника фанлари доктори Олег Леонидович **Кузнецовга**, шу институтнинг ходимлари, директор ўринбосари, геология-минералогия фанлари доктори Леонид Григорьевич **Петросянга**, лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Дмитрий Федорович **Беспаловга**, бўлим мудири, физика-математика фанлари доктори, Юрий Семенович **Шимелевича**, давлат «Татнефтегеофизика» геофизика трести партиясининг бошлиғи Лев Николаевич **Воронковга**, СССР Геология министрлиги бошқармасининг бошлиғи, геология-минералогия фанлари кандидати Владислав Юрьевич **Зайченкога**, нефть ва газ геофизика ишлари билан шуғулланувчи илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, физика-математика фанлари доктори Евгений Вилламинович **Каруса**, «Мангишлакнефтегеофизика» трести партиясининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Дмитрий Алексеевич **Крилова**, В. Д. Шашин номидаги «Татнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, геология-минералогия фанлари кандидати Ренат Халиуллович **Муслимовга**, Татаристон давлат нефть саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти директорининг ўринбосари, геология-минералогия фанлари доктори Саъди Аҳмадиевич **Султоновга**, — нефть ва газ конларини қидириш, разведка қилиш ва уларни ишлаш самарадорлигини ошириш учун кенг поласали акустик ва нейтрон каротаж сермаълумотли импульс методларини яратганликлари ва жорий этганликлари учун.

3. Якутия геология ишлаб чиқариш бирлашмаси Жанубий Якутия геология қидирув экспедициясининг ходимлари, бош инженер Иван Андреевич **Барановга**, бош геолог Сайима Сафиевна **Каримовага**, бошлиқ Владимир Тимофеевич **Сорокинга**, партиянинг бош геологлари Александр Николаевич **Пахомовга**, Николай Павлович **Поляковга**, парма ловчи мастер Александр Семенович **Котковга**, собиқ катта техник-технолог Прокопий Петрович **Степановга**, собиқ партия бошлиғи Лазар Моисеевич **Минкинга**, шу бирлашма бошлиғининг ўринбосари Валентин Семенович **Кошлякка**, Урал қутб геология ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, геология-минералогия фанлари кандидати Иван Семенович **Бредихинга**, РСФСР геология министрининг собиқ ўринбосари Игорь Александрович **Кобеляцкийга**, — Жанубий Якутия территориал ишлаб чиқариш комплекси кўмир минерал-хом ашё базасини яратганликлари учун.

4. Иш раҳбари, СССР Фанлар академияси биологик физика институти лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори Борис Николаевич **Вепринцевга**, шу институтнинг кичик илмий ходимлари, биология фанлари кандидати Игорь Викторович **Крастсга**, Николай Константинович **Чемерисга**, СССР Фанлар академияси биологик приборсозлик махсус конструкторлик бюросининг ходимлари, етакчи конструктор Евгений Григорьевич **Ивановга**, лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Анатолий Матвеевич **Хохловга**, бўлим мудири Вениамин Иванович **Решетниковга**, СССР Фанлар академияси илмий приборсозлик экспериментал заводининг директори, техника фанлари кандидати Борис Семенович **Кононовга**, шу заводнинг токари Виктор Иванович **Шведовга**, — микрохирургия учун ва тирик ҳужайранинг электрик характеристикаларини ўлчаш учун ғоят аниқ приборлар комплексини ишлаб чиққанликлари, яратганликлари ва жорий этганликлари учун.

5. ВАСХНИЛ академиги Вадим Михайлович **Юдинга**, ВАСХНИЛ Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Николай Симонович **Гигинейшвилига**, Ўзбекистон ССР Қуқўрғон районидаги Ю. А. Гагарин номли давлат наслчилик заводининг ходимлари, директор, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Мирхолиқ Менглиевич **Менглиевга**, селекциячи зоотехник Хуррам Менгбоевич **Менгбоевга**, шу заводнинг собиқ катта чўпони Ўлбарс **Шодмоновга**, Бутуниттифоқ қорақўлчилик бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Олег Петрович **Фишченкога**, «Қорақўл» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Хисамиддулла Исҳоқович **Укбоевга**, Тожикистон ССР Кабадиён районидаги давлат «Кабадиён» наслчилик заводининг селекциячи зоотехники Галина Александровна **Никулинага** Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти Туркманистон филиалининг катта илмий ходими Слава Сергеевич **Сапроновга**, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг бош мутахассиси Ребекка Исааковна **Григорьянца**га, биология фанлари доктори, Борис Николаевич **Васенга**, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Варвара Ивановна **Стояновскаяга**, — бўзранг, пушти ранг ва оқ ранг қорақўл зот қўйлар янги турларини, Бухоро ва Сурхондарё сурини яратганликлари ва ишлаб чиқаришга жорий этганликлари учун.

6. Иш раҳбари, Бутуниттифоқ ветеринария санитарияси илмий-тадқиқот институтининг директори, ВАСХНИЛ академиги Владимир Сергеевич **Яринхга**, ВАСХНИЛ академиги Анисим Александрович **Поляковга**, шу институт лабораторияларининг мудирлари, ветеринария фанлари докторлари Александр Андреевич **Закумирдинга**, Марк Аркадьевич **Смецкийга**, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳузуридаги паррандачилик саноати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Алексей Иванович **Малигинга**, шу министрликнинг ходимлари, бош вирусолог, биология фанлари кандидати Иван Моисеевич **Бондаренкога**, бўлим бошлиғи Владимир Михайлович **Репинга**, Бутуниттифоқ ветеринария вирусологияси ва микробиологияси илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудирлари, ветеринария фанлари доктори Владимир Иванович **Бурцевга**, техника фанлари кандидати Дмитрий Емельянович **Сухинга**, шу институтнинг собиқ катта илмий ходими, ветеринария фанлари кандидати Владимир Васильевич **Чернишевга**, Покровск биопрепарат заводининг директори, биология фанлари кандидати Георгий Анатольевич **Сафоновга** Умумроссия паррандачилик саноати илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлимининг бошлиғи, ветеринария фанлари кандидати Владимир Терентьевич **Харламовга**, — чорва юқумли касалликларининг олдини олиш ва уларга қарши курашда ишлатиладиган химиявий ва биологик препаратлар аэрозол формаларини ишлаб чиқаришда ва жорий этганликлари учун.

7. А. Алиев номидаги Озарбайжон давлат врачлар малакасини ошириш институтининг ректори, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир-аъзоси Мирмамед Жавод ўғли **Жаводзодага**, Минск медицина институти кафедрасининг мудири, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг академиги Николай Евсеевич **Савченкога**, Қрим медицина институти кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори Эдуард Мартинович **Шимкусга**, — буйрак ва сийдик йўлида туғма қусурлари бўлган беморларни даволаш замонавий диагноз методларини ҳамда органларни сақлаб қолувчи оригинал реконструктив операцияларни ишлаб чиққанликлари ва уларни клиник практикага жорий этганликлари учун.

8. Иш раҳбари, СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий маркази бўлимининг раҳбари, медицина фанлари доктори Виктор Соломонович **Крилова**, шу илмий марказнинг ходимлари, бўлим мудири, медицина фанлари доктори Георгий Агасиевич **Степановга**, медицина фанлари кандидатлари Ренат Сулаймонович **Акчурингa**, Николай Олегович **Милановга**, Тбилиси давлат врачлар малакасини ошириш институти курсининг мудири, медицина фанлари доктори Георгий Арчилович **Нацвлишвилига**, шу институтнинг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати Иван Егорович **Кузановга**, академик И. П. Павлов номидаги 1-Ленинград медицина институти кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори Лев Валерьевич **Лебедевга**, шу институтнинг катта илмий ходимлари, медицина фанлари кандидати Валерий Николаевич **Вавиловга**, Георгий Николаевич **Горбуновга**, Киев клиник ва экспериментал хирургия илмий-тадқиқот институти бўлимининг мудири, медицина фанлари кандидати Николай Федорович **Дрюкка**, — бармоқлар ва панжани травматик кесиб ташлашдаги шошилинч микрохирургик операцияларни ишлаб чиққанликлари учун.

9. «Уралмаш» оғир машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-тадқиқот институтининг директори Геннадий Николаевич **Башиловга**, шу институтнинг ходимлари, бўлимлар бош конструкторларининг ўринбосарлари Виталий Панкратьевич **Васильковскийга**, Леонид Александрович **Глушковга**, Виксунск металлургия заводининг ходимлари, бош инженер Борис Федорович **Антишовга**, механик Анатолий Николаевич **Сорокинга**, қора металлургия институтининг директори, техника фанлари доктори Иван Герасимович **Узловга**, шу институт лабораториясининг мудири, техника фанлари кандидати Мойсей Евелевич **Шифринга**, К. Либкнехт номидаги Нижнеднепровск трубопрокат заводининг ходимлари, бош механик Валерий Александрович **Риковга**, вальцовщик Анатолий Павлович **Бабушкинга**, Украина давлат металлургия заводларини лойиҳалаш институти бўлимининг бошлиғи Фома Ефимович **Розенталга**, темирйўллар министрлиги бошқармасининг бошлиғи Леонид Васильевич **Шовскийга**, — яхлит прокат қилинган темир йўл гилдираклари поток усулда ишлаб чиқариш учун прогрессив технологик жараёнлар ва юқсак самарали автоматлашган машина-ускуналар яратганликлари ва уларни жорий этганликлари учун.

10. Бутуниттифоқ металлургия машинасозлиги илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институтининг етакчи конструктори Гарий Михайлович **Глазковга**, шу институтнинг катта илмий ходимлари, техника фанлари доктори Симон Павлович **Грановскийга**, техника фанлари кандидати Николай Васильевич **Меховга**, шу институт лабораториясининг мудири, техника фанлари кандидати Николай Александрович **Целиковга**, «Электростальтяжмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери Евгений Сергеевич **Смеловга**, шу бирлашмага қарашли электросталь лойиҳа-конструкторлик ва технология илмий-тадқиқот институтининг ходимлари, бўлим мудири Федор Терентьевич **Виноградовга**, лойиҳанинг бош инженери Тевио Исаакович **Толпинга**, СССР Госплани бўлими бошлиғининг ўринбосари Иван Степанович **Ревесга**, биринчи давлат подшипник заводининг слесари (ГПЗ-1 ишлаб чиқариш бирлашмаси) Семен Степанович **Богомоловга**, Ф. Э. Дзержинский номидаги Днепровск металлургия заводи ишлаш қурилмаларининг мастери Валерий Николаевич **Федоренкога**, С. Оржоникидзе номидаги Жданов «Азовсталь» металлургия заводи цехининг катта конструктори Александр Андреевич **Мошаровга**, шу завод цехининг собиқ бошлиғи Николай Никитович **Володовга**, автоматлашган шароқрокат станлар ҳамда металларни иссиқ холида ва совуқлайин прокат қилувчи принципиал янги технологияни яратганликлари учун.

11. Иш раҳбари, Москва механизациялашган қурилиш асбоблари ва безак машиналари ясаш билан шуғулланувчи илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, техника фанлари кандидати Борис Григорьевич **Гольдштейнга**, шу бирлашманинг ходимлари, бош директор Юрий Павлович **Шипулинга**, катта илмий ходим Николай Матвеевич **Батуевга**, бўлим мудирлари Альберт Адольфович **Гоппенга**, Игор Владимирович **Николаевга**, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими кончилик ишлари институти лабораториясининг мудири, техника фанлари докторлари Николай Александрович **Клушинга**, Николай Павлович **Ряшенцевга**, Бутуниттифоқ механатни муҳофаза қилиш марказий илмий-тадқиқот институти лабораториясининг раҳбари, техника фанлари кандидати Юрий Михайлович **Васильевга**, Даугавпилсдаги «Электроинструмент» заводининг директори Аркадий Яковлевич **Капустинга**, Свердловск «Пневмостройбашина» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори Олег Яковлевич **Сутягинга**, Ростов-Дон «Электроинструмент» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош конструкторининг ўринбосари Петр Степанович **Якубовскийга**, СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Генрих Александрович **Сотниковга**, қурилиш ва саноатда ишлатиладиган вибрация хавфи бўлмаган дастлабки машиналарни яратганликлари ва уларни қўллаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирганликлари учун.

12. Октябрь 40 йиллиги номидаги Балашиха криоген машинасозлик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари, сектор бошлиғи, техника фанлари доктори Вильгельм Феликсович **Густовга**, бош директорининг ўринбосари, техника фанлари кандидати Святослав Александрович **Некрасовга**, бўлим бошлиғи Хаим Яковлевич **Степга**, Бутуниттифоқ криоген машинасозлик саноат бирлашмасининг бош инженери Юрий Васильевич **Рижовга**, давлат кислород машинасозлиги корхоналарини лойиҳалаш институтининг директори Константин Николаевич **Ивановга**, шу институт бўлимининг бошлиғи Вячеслав Семенович **Горшковга**, СССР Қора металлургия министрлиги бошқармасининг бошлиғи Владимир Иванович **Петрекеевга**, шу министрликнинг бош кислородчиси Владимир Иванович **Пряничниковга**, В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинати ишлаб чиқаришининг бошлиғи Михаил Алексеевич **Петровга**, металлургия саноати корхоналари технологик машина-ускуналарини монтаж қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Александр Иванович **Михальченкога**, Новолипецк металлургия заводи ишлаб чиқаришининг бошлиғи Владимир Сергеевич **Старниковга**, кислород, криоген, водород ва гелий установкалари ҳамда заводларини монтаж қилиш трестининг бош инженери Юрий Александрович **Сергеевга**, — чўян эритишни интенсивлаш ҳамда пўлат эритишда юқсак самарали кислород-конвертор жараёнини жорий этиш мақсадларида кислород ишлаб чиқарадиган КАР-30 ва КТК-35 установкаларини яратганликлари ва уларни қўллаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирганликлари учун.

13. Завод тажриба-конструкторлик бюросининг ходимлари бош инженер, иш раҳбари Владимир Васильевич **Плотниковга**, бўлимларнинг бошлиқлари Василий Дмитриевич **Борисенковга**, Иван Алексеевич **Моисеевга**, бўлим бошлиғи Вячеслав Анатольевич **Дибойга**, бўлим бошлиғининг ўринбосари Алексей Михайлович **Ткаченкога**, ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Михаил Петрович **Желтовга**, бош директор ўринбосари Евгений Викторович **Шиленковга**, шу бирлашма ходимлари-технология бюросининг бошлиғи Василий Алексеевич **Босонга**, бўлим бошлиғи Анатолий Павлович **Еремингa**, етакчи инженер Владимир Васильевич **Каревга**, лаборатория бошлиғи Леонид Яковлевич **Крушевскийга**, Электрон саноати министрлиги бошқармасининг бош конструктори Мансур Абдулҳақович **Хоновга**, —периферия қурилмалари бўлган сервис комплектли «Электроника-100» туркумидаги ихчам ЭҲМни ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари учун.

14. Ленинград металл заводи «Турбасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси» махсус конструкторлик бюросининг ходимлари, — техника фанлари кандидати Александр Яковлевич **Аронсонга**, секторларнинг мудирлари Александр Павлович **Колесниковга**, Александр Николаевич **Коровинга**, бошлиқ Олег Семенович **Бабановга**, шу бирлашма ходимлари — бош технолог Владимир Николаевич **Хохулинга**, цех бошлиғининг ўринбосари Николай Александрович **Ивановга**, С. Я. Жук номидаги Бутуниттифоқ «Гидропроект» лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот институтининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Лерен Петрович **Михайловга**, шу институт Ленинград бўлимининг бўлим бошлиғи Александр Яковлевич **Афонинга**, гидрокуч машина-ускуналарини монтаж қилувчи Бутуниттифоқ давлат ихтисослаштирилган трестининг бошқарувчиси Георгий Прокопьевич **Лохматниковга**, Ленин комсомоли 60 йиллиги номидаги Зея ГЭСининг директори Станислав Никитович **Локтионовга**, техника фанлари доктори Владимир Станиславович **Квятковскийга**, — Ленин комсомоли 60 йиллиги номидаги Зея ГЭСи қудратли диагонал гидротурбиналари лойиҳасининг ишлаб чиқариш технологиясини яратганликлари, тайёрлаганликлари, монтаж қилиб ишга туширганликлари учун.

15. В. И. Ленин номидаги «Урал электротяжмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари — бўлим бошлиғи Владимир Владимирович **Володингa**, техника фанлари кандидати, бош инженер Юрий Петрович **Глазковга**, техника фанлари кандидати, трансформаторлар бош конструктори Яков Львович **Фишлерга**, Бутуниттифоқ алюминий саноати бирлашмасининг бўлим бошлиғи Юрий Демидович **Журавинга**, Бутуниттифоқ алюминий, магний ва электрод саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти бош директорининг ўринбосари Владимир Антипович **Крамскойга**, Запорожье «Преобразователь» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош конструкторининг ўринбосари Юрий Федорович **Кулькинга**, шу бирлашма ходимлари —бош инженер Михаил Андреевич **Сидорскийга**, цех бошлиғи Юрий Александрович **Саблинга**, ВЛКСМ 50 йиллиги номидаги Красноярск алюминий заводи бўлимининг катта энергетиги Сергей Михайлович **Мещеряковга**, СССР Рангли металлургия министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Александр Диомидович **Никулинга**, Ф. Б. Якубовский номидаги саноат объектларини комплекс электрлаштириш Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти Ленинград бўлимининг бош мутахассиси Алексей Матвеевич **Семчиновга**, инженер-электрик Валентин Игнатьевич **Рябовга**, —қудратли ярим ўтказгичли тўғрилагич агрегатлар негизида алюминий электролизининг электр таъминоти юқсак самарали системаларини яратганликлари ва кенг миқёсда жорий қилганликлари учун.

16. Алоқа воситалари саноати министрлигининг бўлим бошлиғи Борис Ефимович **Белоусовга**, биология фанлари кандидати, Бутуниттифоқ медицина техникаси илмий-тадқиқот ва синаш институтининг лаборатория мудири Владимир Михайлович **Большовга**, медицина фанлари доктори, СССР Медицина фанлари академиясининг Бутуниттифоқ кардиология илмий маркази бўлимининг раҳбари Лилия Федоровна **Николаевага**, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, шу илмий марказ Сибирь филиали директорининг ўринбосари Ростислав Сергеевич **Карповга**, С. П. Королев номидаги ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Леонард Львович **Никифоровга**, шу бирлашма ходимлари—сектор бошлиқлари Николай Иванович **Крипайтисга**, техника фанлари кандидати Федор Михайлович **Тишченкога**, техника фанлари кандидати, катта илмий ходим Григорий Семенович **Одинецга**, техника фанлари кандидати, бўлим бошлиғи Анисим Юльевич **Ратманскийга**, техника фанлари кандидати, директор ўринбосари Анатолий Иванович **Слободянюкга**, цех

(Давоми учинчи бетда).

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1982 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошы биринчи ва иккинчи бетларда).

бошлиғи Юрий Петрович **Пацуновга**, слесарлар бригадири Анатолий Андреевич **Руденкога**, — юрак-томир системасини автомат тарзда тадқиқ қиладиган ва ичига ҳисоблагичлар ўрнатилган радиоэлектрон диагностика приборларининг кўп функцияли комплексини яратганликлари ва жорий этганликлари учун.

17. Техника фанлари доктори, Бутуниттифоқ телевидение илмий-тадқиқот институтининг директори Игорь Александрович **Росселевичга**, шу институт бош инженерининг ўринбосари Виктор Тимофеевич **Есинга**, бўлим бошлиғининг ўринбосари Анатолий Иванович **Гулинга**, техника фанлари кандидати, бўлим бошлиғи Яков Иосифович **Лукьянченкога**, лаборатория бошлиғи Борис Абрамович **Берлинга**, Бутуниттифоқ А. С. Попов номидаги радиоэшиттиришлари қабул қилиш ва акустика илмий-тадқиқот институтининг директори Михаил Михайлович **Зимневга**, РСФСР марказий қисмида санитария-техника ишларини бажарувчи трест бошқарувчиси Эдуард Николаевич **Шахновичга**, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раисининг ўринбосари Хенрикас-Альгирдас Зигмо **Юшкявичюсга**, шу комитет бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Владимир Михайлович **Палицкийга** Москва шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги саноат қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Валерий Михайлович **Серовга**, Москва шаҳрининг шаҳар хўжалиги учун саноат ва транспорт объектларини лойиҳалаш институти архитектура-лойиҳалаш устахонасининг бошлиғи Леонид Ильич **Баталовга**, Новосибирск аниқ машинасозлик заводининг бўлим бошлиғи Владимир Иосифович **Шейхетовга**, — рангли телевидение замонавий типовой аппаратларининг янги (учинчи) авлоди комплексини ишлаб чиққанликлари, мамлакатнинг телемарказларини таъминлаш учун уларни саноат асосида ўзлаштирганликлари ва Москва шаҳридан кўп каналли телевизион кўрсатувлар бериш учун база яратганликлари учун.

18. Техника фанлари доктори, табиий газни ташиш ва қайта ишлашга тайёргарлик масалалари билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг катта илмий ходими Мусо Али ўғли **Ашимовга**, газ конлари асбоб-ускуналарини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институтининг директори Анатолий Вадимович **Буераковга**, шу институтнинг бош инженерининг ўринбосари Виктор Константиновна **Пустовойтовага**, техника фанлари доктори, шу институт Урал филиали лабораториясининг мудири Василий Тимофеевич **Сапожниковга**, техника фанлари кандидати, Ф. Э. Дзержинский номидаги Сорск молибден комбинатининг бош инженери Алексей Михеевич **Галкинга**, Челябинск газ қазиб олиш ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари Роберт Михайлович **Гусевга**, техника фанлари кандидати, кончилик институтининг лабораторияси мудири Вадим Гаврилович **Зотеевга**, техника фанлари кандидати, ойдали қазилма конлари захира кетказиш, махсус кон ишлари, руда геологияси ва маркшейдер иши билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик институти директорининг ўринбосари Александр Иванович **Ильинга**, техника фанлари доктори, Москва кончилик институтининг кафедра мудири Максим Александрович **Ревазовга**, техника фанлари доктори, кон-химия хом ашёси давлат илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири Марк Еремеевич **Певзнерга**, — ойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб олишда разрез ва карьерлардаги кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш тадбирларининг илмий асосларини яратганликлари, шу тадбирларни ишлаб чиқиб, жорий этганликлари учун.

20. Рангли металлар давлат илмий тадқиқот институтининг ходимлари, техника фанлари кандидати, сектор мудири Леонид Михайлович **Бочкаревга**, техника фанлари доктори, директор Константин Иванович **Ушаковга**, катта инженер Павел Александрович **Лобановга**, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ходимлари, техника фанлари кандидати, директор Мнайдар Рамазанович **Рамазановга**, бош инженер Алексей Виссарионович **Ивановга**, шу комбинат мис эритиш заводининг ходимлари, директор Владислав Павлович **Шурчковга**, цех бошлиғи Иоганес Каспарович **Гренцга**, мис эритувчи Данабой Маматқулович **Бегмуротовга**, рангли металлургия корхоналарини лойиҳалаш давлат институтининг бош мутахассиси Валериан Иванович **Зубаревга**, энергетика машина-ускуналарини лойиҳалаш, созлаш, модернизациялаш ва ремонт қилиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Борис Николаевич **Киселевга**, СССР Рангли металлургия министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Виталий Георгиевич **Тюменцевга**, техника фанлари кандидати Лев Кельманович **Шейнкманга**, — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатида чиқариб юбориладиган металлургия газларидан олтингугурт ва иссиқликни ажратиб олиб автоген кислород — машъала ёрдамида мис эритиш юксак самарали бош жараён технологияси ҳамда машина-ускуналарини ишлаб чиқиб, саноат қўламида жорий этганликлари учун.

21. Украина ССР қора металлургия министри Дмитрий Прохорович **Галкинга**, В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинатининг ходимлари, — техника фанлари кандидати, бош прокатчи ўринбосари Алексей Иванович **Добронравовга**, директор Леонид Владимирович **Радюкевичга**, катта мастер Евгений Васильевич **Шубинга**, СССР 50 йиллиги номидаги Череповец металлургия заводининг директори Юрий Викторович **Липухинга**, шу завод цех бошлиғининг ўрдамчиси Леонид Андреевич **Тамашевскийга**, И. П. Бардин номидаги қора металлургия марказий илмий тадқиқот институти лабораториясининг мудири, техника фанлари доктори Александр Федорович **Пименовга**, техника фанлари кандидати, шу институтнинг катта илмий ходими Владимир Николаевич **Скороходовга**, техника фанлари доктори, Москвадаги пўлат ва қотишмалар институти лабораториясининг раҳбари Владимир Петрович **Полухинга**, офсет пластиналар заводининг бош инженери Павел Иванович **Шчербаковга**, «Правда» нашриёти ва В. И. Ленин номидаги «Правда» газетаси босмахонаси бош инженерининг ўринбосари Анатолий Григорьевич **Эмдинга**, техника фанлари кандидати, металлургия машинасозлиги Бутуниттифоқ илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институти лабораториясининг мудири Александр Григорьевич **Мирерга**, — офсет босма учун совуқ усулда катанка қилинган ғоят аниқ лист тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиб, уни ишлаб чиқаришни ташкил этганликлари учун.

22. ВЛКСМ 50 йиллиги номидаги Котлас целлюлоза-қоғоз комбинатининг ходимлари, бош инженер Павел Николаевич **Балакшинга**, бош директор Александр Александрович **Дибцинга**, целлюлоза пиширувчиларидан Николай Александрович **Вирачевга**, Анатолий Михайлович **Кабаковга**, «Ленин комсомоли номидаги Сиктивкар ўрмон саноат комплекси» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Николай Николаевич **Балинга**, шу бирлашманинг ходимлари, техника фанлари кандидати, лаборатория бошлиғи Раиса Тимофеевна **Брежневага**, ишлаб чиқариш бошлиқлари Альберт Николаевич **Потолицинга**, Владислав Михайлович **Синчиковга**, қоғоз марказий илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири Нина Михайловна **Бокаревага**, техника фанлари кандидати, целлюлоза қоғоз саноати Украина илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг мудири Алла Всеволодовна **Макушинага**, «Комилеспром» Бутуниттифоқ ўрмон саноати бирлашмасининг бошлиғи Иван Степанович **Иевлевга**, — «Ленин комсомоли номидаги Сиктивкар ўрмон саноат комплекси» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва ВЛКСМ 50 йиллиги номидаги Котлас целлюлоза-қоғоз комбинатида япроқли дарахт ёғочларидан фойдаланиш соҳасида қоғоз ва картон тайёрлашнинг янги юқори унумли технологияларини ишлаб чиққанликлари учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари Л. БРЕЖНЕВ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. ТИХОНОВ

III.

ОЛИЙ УҚУВ ЮРТЛАРИ ДАРСЛИКЛАРИ УЧУН

1. Н. Э. Бауман номидаги Москва олий техника билим юрти кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори Николай Федорович **Красновга**, — 1980 йилда нашр этилган «Аэродинамика» дарслиги (3-нашри) учун.

2. Д. И. Менделеев номидаги Москва химия-технология институти кафедрасининг мудири, академик Виктор Вячеславович **Кафаровга**, — 1979 йилда нашр этилган «Масса ўтказиш асослари» дарслиги (3-нашри) учун.

3. СССР Фанлар академияси микробиология институти бўлимининг мудири, академик Евгений Николаевич **Мишустинга**, К. А. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академиясининг кафедра мудири, биология фанлари доктори Всеволод Тихонович **Емцевга**, — 1978 йилда нашр этилган «Микробиология» дарслиги (2-нашри) учун.

ҲУНАР-ТЕХНИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ДАРСЛИКЛАРИ УЧУН

1. Москва шаҳар ижроия комитети бошқармасининг собиқ бош энергетиги Вильям Борисович **Атабековга**, — 1979 йилда нашр этилган «Саноат корхоналари электр машина-ускуналарини ремонт қилиш» дарслиги (4-нашри) учун.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ

▲ Ўтган куни республика бўйича тайёрлов пунктларига 41.223 тонна пахта топширилди. Ана шунинг 28.159 тоннаси машиналар бункеридан тўкилди. Бир кунда 3.652 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

▲ Республикамиз «оқ олтин» хирмонининг умумий салмоғи 5.204.055 тоннадан ошди. Шу жумладан 2.806.150 тонна «оқ олтин» машиналар ёрдамида терилиб олинди. Мавсум бошидан буён 413.533 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

ҚАШҚАДАРЕ

Қарши райони деҳқонлари областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Район заршунослари бу йил 12,5 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиб, гектаридан 36 центнердан хирмон кўтардилар. Эл хирмонига 43.400 тонна дурдона топширилди. Тайёрланган пахтанинг 90 процентдан кўпроғи биринчи сортга қабул қилинди. Ялпи ҳосилнинг 18 минг тоннасини ингичка толали пахта ташкил этди.

«Ленинизм», «Москва», С. Раҳимов номли, «Партия XXII съезди», «Ленин йўли», ва «Коммунизм» совхозларининг заршунослари социалистик мусобақада пешқадамлик қилишди. Фармон Очилов, Аннамурод Отамуродов, Мардон Тошев сингари механизаторлар мавсум қаҳрамонлари бўлишди.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан район деҳқонлари яна 5 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашга қарор қилдилар.

САМАРҚАНД

Оқдарё районидаги «Партия XXII съезди» колхози пахтакорлари Улуғ Октябрь байрамини меҳнат ғалабаси билан кутиб олмоқдалар. Улар пахта тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни ҳам бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Колхоз бўйича ҳар гектар ердан ўртача 34,5 центнердан хирмон кўтарилиб, Ватанга 3.075 тонна «оқ олтин» топширилди.

СУРХОНДАРЕ

Ангор районидаги К. Маркс номли колхоз йиллик топшириқни уддалади. Хўжалик азаматлари эл хирмонига 4.350 тонна ингичка толали пахта топширдилар.

Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхозидан Абдумўмин Сафаровнинг оилавий экипажи шу кунгача 1100 тонна пахта терди.

НАВОИЙ

Хатирчи районида энг йирик хўжалик — «Москва» колхози пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Бу ерда 6.650 тонна дурдона тайёрланди. Ҳосилдорлик гектарига 34,5 центнерни ташкил этади. Ялпи ҳосилнинг 64 проценти машиналар ёрдамида саранжом-саришталанди.

ҚҚАССР

Автоном республика районлари ўртасида Хўжайли райони биринчиликни мустаҳкам эгаллаб турибди. Район деҳқонлари йиллик планни 112 процент адо этдилар. Пахта териш ва тайёрлаш суръати бўшаштирилмасдан давом эттирилянти. Планни 135 процент адо этган Ленин номли колхоз деҳқонлари, айниқса, ибрат бўлмоқдалар. Улар тайёрлов пунктларига қарийб 6.500 тонна «оқ олтин» топширдилар.

Элликқалъа районидан сўнг Нукус ва Ленинобод районларида ҳам машина терими планлари бажарилди. Чимбой ва Хўжайли районлари ҳам машинада пахта териш планини бажариш арафасида турибдилар.

СИРДАРЕ

Оқолтин райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини Сирдарё областида биринчи бўлиб бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Тайёрлов пунктларига 76 минг тонна пахта етказиб берилди. Шундан 63 минг тоннаси машиналарда терилди.

Район меҳнаткашлари ялпи ҳосилни 90 минг тоннага етказишга аҳд қилишди.

ФАРҒОНА

Бувайда районидаги «Партия XX съезди» совхози пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Хўжалик деҳқонлари 1464 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,3 центнердан хирмон кўтардилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон Рўзалиев, Мамадали Усмонов, Мамадали Аҳмедов, Одилахон Эргашева бошлиқ пешқадам бригадаларда 41 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ хосил йиғиб-териб олинди.

Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоз заршунослари мажбурият ҳисобига пахта топшира бошладилар. Бу ерда 6.600 тонна дурдона тайёрланди.

НАМАНГАН

Тўрақўрғон меҳнаткашлари областда биринчи бўлиб машина терими планини уддаладилар. Пахта териш комбайнлари бункеридан 23 минг тонна дурдона бўшатилди. Бу ялпи тайёрланган пахтанинг 70 процентини ташкил этади. Мавжуд 148 агрегатнинг ҳар бири ёрдамида 155 тоннадан пахта терилди.

«Бугун биз ҳаммамиз пахтакормиз!» — Наманган шаҳрининг 22 мингдан зиёд аҳолиси ана шу шиор остида далаларда меҳнат қилмоқда. Улар мавсум бошидан буён хирмонга 26 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкдилар.

АНДИЖОН

Бўз районидаги Тельман номли колхоз пахтакорлари гектарига 40 центнердан хирмон кўтариб, социалистик мажбуриятни уддаладилар. Ватан хирмонига 3.700 тонна дурдона топширилди. Деҳқонлар ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга қарор қилдилар.

Республика партия ҳукуматининг Мурожаатига жавобан Москва районидаги пахтакорлар меҳнат ғайратини янада оширмоқдалар. Ўтган куни яна 13 бригада йиллик топшириқни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Райондаги 178 бригаданинг 68 таси планга қўшимча равишда пахта топширмоқда, 15 бригада эса оширилган социалистик мажбуриятни ҳам уддалади.

БУХОРО

Ҳозир область бўйича 4 район, 67 колхоз, 6 совхоз ва мингдан зиёд бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётир. 3 ноябрь куни яна ўн хўжалик йиллик маррага етиб келди. Ромитан районидаги Ленин номли, Бухоро районидаги «Ленинизм» ва Оҳунбобоев номли, Свердлов районидаги Свердлов номли ва Калинин номли колхозларнинг деҳқонлари юқори ҳосилдорликка эришдилар. Бу хўжаликларда ҳар гектардан 37—42 центнердан ҳосил олинди.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ РАПОРТИ

[Боши биринчи бетда].

Йўлдошевлар, Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхоздан Матёз Бекматов, Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоздан Раимбой Бобожонов, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоздан Исмоил Шарипов ва Хўжаниёз Собиров, Хива районидаги Беруний номли колхоздан Искандар Нуржонов, «Партия XXII съезди» колхозидан Қурамбой Йўлдошев, Шовот районидаги Чкалов номли колхозидан Пўлат Маткаримов, Янгиариқ районидаги Киров номли колхозидан Раззоқ Отажонов, Янгибозор районидаги «Ленинизм» колхозидан Қуттибой Тожимов, «Маданият» колхозидан Бозорбой Бекчонов бошчилик қилаётган илғор бригадалар гектар бошига 50—60 центнердан хирмон кўтардилар.

Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари меҳнат зафарига салмоқли ҳисса қўшдилар. Шокир Иброҳимов, Латип Матёқубов, Карим Қутлимуродов, Бека Анниёзова, Назира Собирова, Отахон Ибодуллаев ва бошқа кўпгина механик-ҳайдовчилар машиналарда 300 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар.

Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнатчилари юбилей йилини яхши кўрсаткичлар билан якунламоқдалар. Ватан омборларига 95 минг тонна, яъни плондан 12 минг тонна кўп дон тўкилди. Давлатга сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум ва пилла сотиш мажбуриятлари ошириб бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари ўтган йилдагидан ипдамроқ тайёрланмоқда.

Область қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнат муваффақиятларига колхозчилар ва совхоз ишчиларининг, мутахассисларнинг — барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз, комсомол ташкилотларининг зўр ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасида эришилди.

Шаҳарлар ва район марказларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг коллективлари, ўқувчилар ва студентлар ҳосилни йиғиб-териб олишда қишлоқ меҳнаткашларига катта ёрдам бердилар.

Ҳозир область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бутун етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ ва нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун социалистик мусобақани яна ҳам кенг авж олдириб юбордилар ҳамда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан давлатга Хоразмнинг рекорд миқдордаги 450 минг тонна пахтасини топшириш учун сабот билан кураш олиб бормоқдалар.

Область хўжаликлари ўн биринчи беш йиллик иккинчи йили социалистик мажбуриятларини бажариш билан бир вақтда 1983 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини ўтказиш, чорва молларни қишловдан муваффақиятли олиб чиқиш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш борасида янги-янги муваффақиятларга эришиш, СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб равишда нишонлаш йўлида барча ишларни кенг кўламда авж олдириб юбордилар.

ХЎРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги район республика «Ҳурмат тахтасига ёзилади:

Оқолтин райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Тетуев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Фозилов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қўзбоев, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Юсупов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юсупов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Давлатов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аҳмедов.

ЧОРВАДОРЛАР ҲИММАТИ

Узбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг ихтисослаштирилган «Нукус» совхози чорвачилик комплекси коллективи ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятнинг асосий бандини бажарди. Йил бошидан буён бу ерда 620 бош сигирнинг ҳар биридан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 1200 килограммдан кўпайди. Зотли жониворлардан соғин сигирлар подасини вужудга келтирилганлиги, наслчилик иши яхши ташкил этилганлиги, мустаҳкам озуқа базаси яратилганлиги бунга катта ёрдам берди.

Комплекс чорвадорлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, йил охиригача ҳар бир соғин сигирдан тўрт минг килограммгача сут соғиб олишга қарор қилдилар.

Ҳозир Балтика бўйидан келтирилган яна 200 та зотли бузоқ комплекс сигирлари подасига қўшилди.

Илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлайлик

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида Узбекистон фани ва маданияти ютуқларига юксак баҳо берди. Республика олимлари Узбекистоннинг кўп тармоқли экономикасини ривожлантириш учун талайгина ишларни қилдилар, мамлакат озиқ-овқат программасини амалга оширишга муайян ҳисса қўшдилар. Узбекистон ССР Фанлар академиясининг 4 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган умумий йиғилишида шу нарса қайд этилди. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитети VII пленумининг қарорлари асосида илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ҳамда илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш борасида республика Фанлар академиясининг вазифалари муҳокама қилинди.

Докладчи — Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов ва нотиқлар шуни қайд этиб ўтдиларки, КПСС XXVI съездининг, Узбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорлари илмий-тадқиқот муассасалари ишини тубдан яхшилашнинг қудратли омили бўлиб қолди. Республика ҳозирги пайтда қудратли илмий-техника потенциалига эга — республика Фанлар академиясининг илмий муассасалари фан-техника проблемаларини ҳал этиш юзасидан йиғирмата Бутуниттифоқ программаларини, ўн тўртта тармоқ комплекс программаларини, бир қанча республика программаларини бажаришда иштирок этмоқдалар.

Ижодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ва хўжалик шартномалари асосида корхоналар учун катта ҳажмдаги тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бир қанча министрликлар, йирик корхоналар — Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тўқимачилик комбинати билан, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, бошқа корхоналар билан ана шундай шартномалар тузилган. Олимлар саноат, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик учун илғор технологияларни яратдилар. Йиғилишда ўсимликлар эксперименталь биологияси, ядро физикаси, электроника, полимерлар химияси ва физикаси, ботаника институтлари тадқиқотчиларининг муваффақиятлари қайд этиб ўтилди — бу муассасалар илмий лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жуда самарали равишда жорий этмоқдалар.

Пахта сифатини яхшилашга, пахтачиликни чиқитсиз ишлаб чиқаришга айлантиришга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Олимлар олдида пахта комплексининг барча тармоқларини мутаносиб тарзда ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифаси турибди. Чорва молларни ўрчитиб кўпайтиришни яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш борасидаги тадқиқотлар ўтказилмоқда, дончилик, шоличилик комплекслари ва бошқа қишлоқ хўжалик комплексларини интенсивлашга катта эътибор берилмоқда.

Йиғилишда республика олимларининг энг катта ечимлари анализ қилинди, КПСС XXVI съезди талаблари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ҳамда илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш борасидаги тадбирлар тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

Машғулотлар тугади

Тошкент олий партия мактабида партия ва совет ходимларининг малакасини ошириш республикаларо курсларида Узбекистон, Тожикистон ва Туркманистон шаҳар ижроия комитетларининг, шаҳарлардаги район ижроия комитетларининг раислари, Олий Совет Президиумларининг, Министрлар Советларининг, область ижроия комитетларининг масъул ходимлари ўқув курсини тугалладилар.

Курсларнинг тингловчилари коммунистик қурилиш марксча-ленинча назарияси, практикаси, ривожланган социализм даврида партия иқтисодий сиёсатининг, КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг актуал проблемаларини ўргандилар. Ўқув программасида халқ депутатлари Советларининг хўжалик ва социал-маданий қурилиш соҳасидаги иш формалари ва методларини такомиллаштиришга, уларнинг фаолиятига партия раҳбарлиги масалаларига катта ўрин берилди.

Машғулотларда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини, Озиқ-овқат программасини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсияларини амалга ошириш борасида совет органларининг вазифаларига алоҳида эътибор жалб қилинди.

(ЎзТАГ).

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

ТОШКЕНТ	0,14	107,96	—	103,13
ХОРАЗМ	0,52	102,82	0,59	92,45
ҚҚАССР	0,84	100,85	0,62	86,02
Бухоро	0,80	98,70	0,62	41,74
Навоий	0,81	92,41	1,13	68,22
Сурхондарё	0,49	89,46	0,49	57,67
Сирдарё	0,53	84,23	0,25	83,27
Қашқадарё	0,80	82,34	1,28	69,48
Жиззах	0,78	82,32	0,34	73,83
Самарқанд	1,02	81,42	1,49	73,52
Андижон	0,64	80,32	0,74	62,48
Наманган	0,63	79,90	0,54	54,86
Фарғона	1,05	79,08	1,38	65,14
Республика бўйича:	0,70	88,35	0,72	71,59
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАВОИЙ	0,90	134,69	1,47	107,81
НАМАНГАН	0,90	129,40	—	38,93
СУРХОНДАРЕ	0,68	109,23	0,31	83,95
БУХОРО	2,21	106,12	3,95	40,20
Қашқадарё	1,21	95,39	1,29	62,18
Республика бўйича:	0,94	106,04	0,85	75,05

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Л. А. АБДУЛЛАЕВни ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада тасвирий санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР халқ рассоми ўртоқ Лутфулла Абдуллаевич **Абдуллаев** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1982 йил 4 ноябрь.

КОСМИК ЭКИПАЖГА ТУҲФА

«Салют-7» орбитал станциясининг кутубхонаси «Самовий причал» китоби билан бойиди. Бу китобни космонавтлар Анатолий Березовой ва Валентин Лебедевга учувчисиз «Прогресс» кемаси етказиб берди.

Туҳфа китобга қуйидаги сўзлар ёзилган: азиз дўстлар! Сизларга космик гаванъ—Бойқўнғирдан салом! Сизларга омад тилаймиз ва сизларни космик соҳилда кутамиз... Иван Мирошников, Аркадий Тюрин».

Космонавтлар «Фазо заҳматкашлари» «Бойқўнғир лолалари», «Эрмаш шохи» китобларининг авторлари — харьковлик шоир ва москвалик рассомни яхши биладилар.

Янги «Самовий причал» альбом-китоб Ернинг биринчи йўлдоши учирилганлигининг 25 йиллигига бағишланган, деб ҳикоя қилади А. Тюрин. — Бизлар «Королев орзулари ва Гагарин табассуми яшаётган космодром йилномасини шеър ва тасвирий санъат тили билан ифодалашга ҳаракат қилдик».

СССР космонавт-учувчиси Герман Титов Украинанинг «Прапор»нашриёти босмадан чиқарган «Самовий причал» китоби сўзбошисида қуйидагиларни ёзади: «Космик мавзуга бағишланган улкан китобда шоир И. Мирошников ва рассом А. Тюрин, шубҳасиз, ўзларига хос фикр билдира олганлар».

А. РОМАНОВ.
(ТАСС).

[Учинчи бошқариш маркази].

ХАЛОСКОР

ОЧЕРК

Раззоқберган еттинчи синфни аъло баҳоларга битказди-ю, шаҳодатномасини қўлига олиб-олмасдан колхозчиларга қўшилиб ғўза чопиғига чиқди. Ўқишни давом эттира олмади. Кексайиб қолган ота-онасининг қўлидан юмушини олишга, уларга дастёрлик қилишга аҳд қилди. «Ота-онасига ғамхўр бўлган киши ҳеч вақт кам бўлмайди», —деган эди ўшанда К. Маркс номли колхоз раиси Ражаб ака Сафоев. Ҳисоб-китобга чечан йигит кўп ўтмай табелчиликка тайинланди. Яна бир йилдан кейин ҳарбий хизматга чақирилди. Днепропетровск шаҳрида солдатлик бурчини адо этаётган йигит 1940 йилда касаллиги туфайли запасга бўшатилди.

Улуғ Ватан уруши бошланган кезда у колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишларди. Соғлиғи анча тикланган, солдатликда пишиб тобланган йигит ўзини Ватан ҳимоясидан ташқарида юришни ҳеч эп кўрмасди. Ахир қандай эп кўрсин?! Она қишлоғидай қадрдон бўлиб қолган Украина, Белоруссия ерлари, Днепропетровск шаҳри немис-фашист газандаларининг жирканч оёқлари остида топталаётган, дала машқлари пайтида нон-туз, ширин-шакар мевалар билан сийлаган қадрдонлари бугун аёвсиз қийноқларга олинаётган бўлса!.. У ўтирсаям, турсаям ана шулар ҳақида ўйларди. «Мени, собиқ солдатни жанг майдонига жўнатишларингизни илтимос қиламан, —деб ёзганди у аризасида. —Билагимда куч-қувватим бор экан, охирги нафасимгача душман адабини бераман». Ҳарбий комиссариатдагилар «Яна бироз сабр қилинг, хабар ўзимиздан бўлади», —дейишди.

Унинг кўпдан буён кутган орзуси 1942 йилнинг иккинчи ярмидагина ушалди. Дастлабки тайёргарликдан кейин улар тушган поезд Сталинград остоналарига келиб тўхтади. Шу ерда райондан келган тўқсон саккиз йигит турли қисмларга бўлиб юборилди. Раззоқберганга ўхшаган хат-саводли, рус тилини анча-мунча билган, абжир солдатларни эса кичик командирлар тайёрлаш мактабига ўқишга жўнатишди. Шундай қилиб, у уч ой давомида ҳарбий санъат сирларини ўрганди, сиёсий билимини оширди.

Раззоқберган Йўлдошев илк бор жангга Саратов шаҳри яқинида, шаҳар душмандан тозаланаётган кунлари кирди. Қирчиллама қиш эди ўшанда 49-ўқчи полкининг командири, гвардиячи майор Иван Иванович Волков кечқурун катта ва кичик командирларни тўплаб, эртаги жанг планлари билан таништирди, топшириқлар берди. Сержант Йўлдошев командирлик қилган пулемётчилар бўлинмасига муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган пунктни ишғол қилиш вазифаси топширилди.

Жанг тонгги соат олтида қисқа артиллерия отишмаларидан кейин танклар ёрдами билан бошланди. Немислар совет жангчиларини шаҳарга киритмаслик учун тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатарди. Танклар пулемёт нуқталарини йўқотиб борар, солдатлар эса тинимсиз ўт очиб, фашистларни жаҳаннамга жўнатишарди. Қисмларимиз анча талофот кўрса-да, қуёш терак бўйи кўтарилганда душман позицияларига бостириб кирдилар. Аёвсиз қўл жанги бошланди. Гитлерчиларнинг олдинги марраси янчиб ташланди.

Сержант Йўлдошев пулемётчилари жангда алоҳида жасорат кўрсатишди. Душманга қирон келтириб, белгиланган пунктни эгаллаб олдилар. Фашистлар кечқурун шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Шу кунги мислсиз олишда Йўлдошев бўлинмасидан ҳам уч киши қаҳрамонларча ҳалок бўлди, беш киши оғир яраланди. Яраланганлар орасида Раззоқберган ҳам бор эди. Улар даволаниш учун шаҳар чеккасидаги госпиталга юборилди.

Раззоқберган госпиталда бир ойлардан кейингина ўз оёғи билан кириб чика бошлади. Энди у ўзимиздаги мир затераклар каби оқ қайин дарахтлари оралаб тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларди, қушларнинг хониш қилиб шоҳдан-шоҳга сакраш-ларини кўзи билан кўрадиган бўлди. Бу ерда турли миллат вакиллари бор эди. Врач ва ҳамшираларга уларни ҳам дори-дармон, ҳам ширин сўз билан даволашарди. Кунларнинг бирида госпиталь ҳовлисида сайр қилиб юраркан, ўрта бўйли, қорамагиз, қора кўз, қора қош, истараси иссиқ йигитга дуч келди. Унинг чап қўли, бўйни оқ бинт билан ўралганди. Улар бенхтиёр бир-бирларига яқин келиб, ўзбекча саломлашдилар.

—Ўзбекистондан бўлсангиз керак-а, яхши йигит, —сўради Раззоқберган.

— Ҳа, тошкентликман, исмим Бердиали, — жавоб берди у.—Ўзингиз қаердан бўласиз?

—Тўрткўлни эшитганмисиз, Қорақалпоғистонда.

— Демак ҳамюрт эканмиз.

Ҳамюртлар дастлаб ана шу тарзда танишган эдилар. Шундан кейин улар ҳар куни учрашиб, турли мавзуларда —уй томондаги, фронтдаги янгиликлар ҳақида гурунгласшиб турдилар Бири-бирига далда бериб, бир-бирининг дардини олдилар . Госпиталдаги узоқ суҳбатлар уларни янада қалин дўстлаштирди. Бир-бирларининг уй адресларини ёзишиб, қайси бирлари уйларига эсон-омон борсалар, дараклариии ота-оналарига етказишга сўз беришди.

Дўстлар госпиталда ёзгача даволанишди. Соғайгач, иккаласи ҳам резерв полкка ўтказилди. Улар бу ерда бир муддат янги техника ва қуролларни ўргандилар. Хар кунги машқлар, тактик ва ўт очиш машғулотлари яна ҳам чиниқтирди . 1943 йилнинг август ойида юртдошлар юборилган қўшилма Харьков шаҳрини душмандан тортиб олиш учун кеча-кундуз тинимсиз жанг олиб борарди. Фашистлар шаҳарни қўлдан бермасликка қанчалик уринишмасин, жангчиларимизнинг шиддатли ҳужуми олдида гангиб, чекинишга мажбур бўлдилар.

Раззоқберган бу ерда пулемётчилар бўлинмасига командирлик қилар. Бердиали эса танк қушандаси бронтешар ПТРчи эди. Раззоқберганлар олдинроқда, Бердиалилар расчёти эса улардан икки юз метрлар орқароқдаги бутазорлар орасида яхши ниқобланиб олинганди. Йиқилган қурашга тўймас, деганларидек, соат ўн бирларда фашистлар кучларини тўплаб, ўндан ортиқ танк ҳимоясида қаршига ҳужумга ўтдилар. Бизникилар душманни яқинлаштириб, қуролларнинг барча туридан ўт очдилар. Танклар бирин-кетин гулханга айлана бошлади, орқасидаги фашистлар ҳам ер тишладилар. Кутилмаганда битта танк чап бериб, Раззоқберганлар окопи томон бостириб кела бошлади. ПТРчилар унга ўқ узолмай, доғда қолишди. Сабаби, танк билан бирга ўнта жангчи ҳалок бўлиши мумкин эди. Буни пулемётчилар ҳам сезишди. «Яхшиям битта экансан, — дерди ичида бўлима командири, — шу вақт ўнта бўлганингда ҳам бир қадам орқага чекинмасдик... Яқинроқ кел-чи, аблаҳ».

Ўн метрлар чамаси қолганда Раззоқберган окоп ичида паналаб «тигр» устига ёндирувчи граната ирғитди. Граната аниқ мўлжалга тегди ва баҳайбат танкни олов қоплади. Кейин жангчилар «Ура» садолари остида окопдан кўтарилиб, немис пиёдаларини қийратишди. Уларга бошқа бўлимлар ҳам қўшилишди.

Бердиалилар ҳам бошқа расчётлардан бўш келишмади. Битта танк уларнинг ўқидан сафдан чиқди. Навбат иккинчисига келди. Бу ҳақда Бердиали Имомов ўзининг «Ҳорманг, қуролдошлар» («Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент—1977) номли китобига кирган «Учрашув» очеркида қуйидагиларни ёзади:

«Мен ўқчи полк роталаридан бирига тегишли взводда бронтешар қурол ПТРчи эдим. Иккинчи номерим — ёрдамчи, 19 баҳорни эндигина кўрган, мўйлаби окопда чиққан, навқирон, довюрак ва бўйчан қирғиз ўғлони Тешабой Уроқбоев эди...

Снаряд портлашидан пайдо бўлган чуқурликка ПТРни жойлаштирдик, атрофдаги янги тупроқни хас-чўп билан яширдик... Биз томонга яқинлашиб бостириб келаётганини шошилмай нишонга ола бошладик. Шу заҳоти душман пулемёти ўқининг «чув-чуви» ерга қапишишга мажбур этди. «Эҳ, лаънатилар, пайқашди» деб қўйди. Тешабой: Нафасимни ростлаб яқинлашган танкни нишонга олиб, тепкини босганим заҳоти ёнғинамизда снаряд портлади. Шундан кейинги воқеанинг баъзи тафсилотини санчастда ўзимга келганимда англадим: қўл-оёғим бинт билан чандилган, қаттиқ оғриқ сезяпман, бошим оғир ва карахт, қулоғимда жиғиллаб қайнаётган самоворнинг товушига ўхшаш пасти-баланд ҳуштакбозлик. Тепамда санинструктор Евгений Лопухов турарди. Унинг гапидан фақат «Сени Йўлдошев тушдан кейин олиб чиқди», деганини англадим. Қошлари эшлик, қоп-қора, қулча юз ва миқти, госпиталда бирга тузалиб, жангга бирга келган қорақалпоғистонлик Йўлдошевни кўз олдимга келтира бошладим...

Орадан кўп ўтмай, дала госпиталида ётганимда қўшинларимиз Харьков шаҳрини озод қилишганини эшитдим. Иттифоқо шу кунги госпиталга бошидан яраланган взвод командирининг ёрдамчиси старший сержант Сергей Калимагин келди. Жанглар хусусидаги гаплари орасида гурур билан «Ҳамюртинг Йўлдошев молодец!» деди. Кейин унинг граната билан фашист «тигр»ини пачоқлаганини, мукофотга тақдим этилганлигини гапириб берди. Фашистларнинг 60 тонна оғирликдаги, 88 миллиметрли пушка ва икки пулемёт билан таъминланган оғир танки «тигр»дан зўр чиққан оддий элатим билан ғурурландим» (62—63-бетлар).

Сержант Йўлдошевнинг қуролдош ҳамюрти ҳаётини сақлаб қолиш воқеаси бундай бўлган эди. Қўшинларимиз ҳужумга кўтарилиб, душманни қувиб-янчиб кетгач, взвод командири Раззоқберганлар бўлинмасини ҳар эҳтимолга қарши резервда қолдириб, жимиб қолган Бердиалилар расчётидан хабар олиш вазифасини топширди. Келиб қараса, у не кўз билан кўрсинки, Тешабойнинг бошига снаряд парчаси тегиб, қонга беланиб ётибди. Томирини ушлаб кўрса, урмайди. Қадрдош дўстининг ҳозиргина совиган танаси тепасида узоқ вақт унсиз йиғлади у.

Кейин у тупроқ остида беҳуш ётган Бердиалини топиб, базўр қазиб олди. «Вақт ўтказмасдан дарҳол санчастга олиб бориш керак», миясига келган биринчи фикр шу бўлди. Дўстини зудлик билан плашчига ётқизди-да, икки бўрчағидан камар ўтказиб, селдек ўқ ёмғири остида санчастгача судраб олиб борди. Раззоқберган бўлинмага қайтиб келганида қош қорайган эди. Қуролдошлар унинг олижаноблигига яна бир бор тан беришди. Улар немислар адабини бирга бериш бахтига муяссар бўлиша олмади. Раззоқберган душманни Ватанимизнинг Европа қисмидан улоқтириб ташлагунга қадар қаҳрамонларча жанг қилди. Бир неча бор енгил жароҳатланиб, яна қўлига қурол олди. 1944 йил июль ойида Латвияга қарашли Остров қишлоғи учун бўлган олишувда чап қўлидан оғир яраланди. Госпиталда ётиб, бир оз тузалса-да, урушга яроқсиз деб топилди. Уйига қўйилган орден ҳамда медалларга тўлдириб кириб келди. Ана шунда отаси Йўлдош бобонинг, онаси Моможон холаларнинг севинчлари таърифига сўз топиш қийин. Улар ўғилларини навбатма-навбат бағирларига олишиб ҳам қувонар, ҳам кўзларидан ёш тўкар эдилар. Йўлдош боболар оиласидаги ўша кунги шодликка барча қишлоқ аҳли шерик бўлди. Ҳамма қолиб жангчини олқишлади.

Раззоқберган яна қадрдон далаларга йўл олди. Бир неча йил звенога, бригадага раҳбарлик қилди. Муттасил пахта ҳосилдорлигини ошириб борди. Икки марта Москвага бориб, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида қатнашиш ва кўргазманинг олтин, кумуш медалларини олиш бахтига муяссар бўлди. 1956—1960 йилларда колхозда ферма мудири бўлиб ишлади. Кейин пенсияга чиққунгача — 1974 йилга қадар пахтакорлик касбини давом эттирди. У ҳамон меҳнат оғушида. Шу кунларда колхознинг 1,7 гектарлик сабзавотчилик даласи унинг оталигида.

О. ХУДОЙБЕРГАНОВ.
Тўрткўл райони.

Қишлоқ спортчилари ҳаётидан

БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Ғаллаорол районида жисмоний тарбия ва спорт ишлари йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Бу соҳада, айниқса «Ғаллаорол» совхозида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Бугунги кунда хўжаликда 385 нафар йигит-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўтган йили икки нафар спорт мастерлигига номзод, 5 нафар биринчи разряд соҳиби, 95 нафар ГТО нишондори тайёрланди. Шунингдек, 24 нафар жамоатчи инструктор ва судья етишиб чиқди.

Спорт инструктори Мусоқул Усмонқулов қишлоқ ёшларининг жисмоний тарбиясига бўлган қизиқишини оширишга эришмоқда. Спорт мастерлигига номзод Р. Хайруллин, биринчи разряд эгаларидан А. Сагомонян, С. Умаров, Р. Асатуров ва бошқалар миллий кураш, шахмат-шашка, велоспорт турлари бўйича республика ва область мусобақаларида район шарафини муносиб ҳимоя қилишяпти.

Совхозда кейинги икки йил ичида 5 та қўл тўпи, 3 та баскетбол, 3 та футбол ва 2 та волейбол майдончалари қайтадан жиҳозланди, мерганлик манзилгоҳи фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари узунлиги 25 метрли сўзиш ҳавзасини қуриш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Ҳавзанинг совхоз тарихида биринчи марта бунёд этилаётганлиги характерлидир. Шунингдек, болалар ва ўсмирлар мактаби очишга ҳам киришилди.

Бу ерда спортнинг теннис, енгил атлетика, қўл тўпи, футбол, волейбол, шахмат-шашка турлари бўйича секциялар ишлаб турибди. Ҳар бир секция раҳбари вақти-вақти билан физкультура советининг раиси, совхоз директори М. Е. Винниковга ҳисоб бериб туради. Спорт майдончаларини жиҳозлаш ва зарур инвентарлар билан таъминлаш совхоз директори Ўринбосари У. Мамарасуловнинг зиммасига юклатилган. Ўтган йили 3 минг сўмлик спорт инвентарлари олинди.

Кейинги йилларда, айниқса шахмат-шашка, миллий кураш, баскетбол ва футбол бўйича ўтказилаётган беллашувлар йигит ва қизлар ўртасида қатта қизиқиш уйғотмоқда. Улар «Смена», «Умид», «Ёшлик» кубоклари учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Хўжаликнинг спорт ишлари билан танишиш пайтида бир қанча муаммоларга ҳам дуч келдик. Масалан, бир вақтлар бу ерда от спортига эътибор яхши эди. Байрамкунларида пойгалар уюштириларди. Маълумотларга қараганда, ана шундай пойгалар сўнги марта 1976 йилнинг 9 майида бўлган экан. Ҳозир отлар ҳам бор. Чавандозлар ҳам топилади. Аммо жой масаласи муаммо. Бундан ташқари ёшларда спорт формалари тўлиқ эмас. Район марказида бор-йўғи битта спорт моллари магазини бўлиб, унда зарур кийим-кечак ва инвентарлар топилавермайди. Натижада область марказига боришга ва кўп вақт сарфлашга тўғри келяпти.

Бугунги турмушимизни жисмоний тарбия ва спортсиз тасаввур этиш қийин. Чунки спортни ривожлантириш — давр талаби. Шунинг учун ҳам «Ғаллаорол» совхози партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу соҳадаги ишларни янада яхшилаш, меҳнатни спорт билан узвий боғлаш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга янада катта эътибор беришлари керак.

А. САИДОВ.



Яқинда қўли гул қурувчилар Оқдарё районидаги «Партия XXII съезди» колхозида янги замонавий ҳаммомни қуриб, фойдаланишга топширишди.

СУРАТДА: янги ҳаммомнинг умумий кўриниши.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ОЛОВ БИЛАН ҲАЙДАБ, НАЙЗА БИЛАН ЭКИБ

Табиат ҳамиша ҳам одамларга тантилик қилавермаган. Қурғоқчилик ёки хаддан ташқари ёғингарчиликнинг кўп бўлиши инсониятга катта фалокатлар келтирган. Лекин одамлар табиат ўжарликларига ўз иродаларини қарши қўйиб, уни енгишга ҳаракат қилишган. Буни Лаосдаги мео қабиласининг ибтидоий деҳқончилиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу қабила денгиз сатҳидан 1500 метр баландликдаги тоғ қишлоқларида яшайди, асосий овқати — гуруч еб тирикчилик қилади. Бироқ, тоққа қандай қилиб шоли экиш мумкин?

Жанубий Осиёда шолининг «Осмоний» деб аталувчи бир нави бор, улар шуни экишади. Лекин тоғда тупроқ йўқ, қақир тош ёриқларида буталар, дарахтлар ўсиб чиқиб, қалин ўрмон ҳосил қилган, текислик йўқ, ёнбағир.

Меолар ана шу ерларга шоли экадилар. Аввалига ўрмонни бир чеккадан кесиб, қалин ўтин қатлами ҳосил қиладилар. Дарахтларнинг таналарини ёриб ташлайдилар, қуригандан сўнг ўт қўядилар. Бир неча кун ёнган улкан гулхан қалин кул қатлами ҳосил қилади. Ана шундан сўнг ҳамма далага отланади. Тоғ ёнбағри бўлганидан ўзларини чўққидан пастга тортилган арқонларга боғлаб оладилар. Эркаклар олдинда кул қатламига найза суқиб, чуқурчалар ҳосил қилиб кетишади, аёллар эса ана шу чуқурчаларга шоли уруғини ташлаб, оёқлари билан текислаб кетишади. Мео деҳқонларини Лаосда «Тоғ ҳоқонлари» ва «Олов билан ер ҳайдаб, найза билан шоли экувчилар», деб аташади.

Мео деҳқончилиги қишлоқ хўжалигининг ибтидоий услубидан бир қолдиқдир. Қадимда деҳқончилик тарихи бошланган мезларда одамлар текисликдаги ўрмонларга ўт қўйиб, тўнкаларини чиқариб ташлаб, ер очганларнинг ҳаммаси ўрта бўйли, қорамагиз, қора кўз, қора қош, истараси иссиқ йигитга дуч келди. Унинг чап қўли, бўйни оқ бинт билан ўралганди. Улар бенхтиёр бир-бирларига яқин келиб, ўзбекча саломлашдилар.

—Ўзбекистондан бўлсангиз керак-а, яхши йигит, —сўради Раззоқберган.

— Ҳа, тошкентликман, исмим Бердиали, — жавоб берди у.—Ўзингиз қаердан бўласиз?

—Тўрткўлни эшитганмисиз, Қорақалпоғистонда.

— Демак ҳамюрт эканмиз.

Ҳамюртлар дастлаб ана шу тарзда танишган эдилар. Шундан кейин улар ҳар куни учрашиб, турли мавзуларда —уй томондаги, фронтдаги янгиликлар ҳақида гурунгласшиб турдилар Бири-бирига далда бериб, бир-бирининг дардини олдилар . Госпиталдаги узоқ суҳбатлар уларни янада қалин дўстлаштирди. Бир-бирларининг уй адресларини ёзишиб, қайси бирлари уйларига эсон-омон борсалар, дараклариии ота-оналарига етказишга сўз беришди.

Дўстлар госпиталда ёзгача даволанишди. Соғайгач, иккаласи ҳам резерв полкка ўтказилди. Улар бу ерда бир муддат янги техника ва қуролларни ўргандилар. Хар кунги машқлар, тактик ва ўт очиш машғулотлари яна ҳам чиниқтирди . 1943 йилнинг август ойида юртдошлар юборилган қўшилма Харьков шаҳрини душмандан тортиб олиш учун кеча-кундуз тинимсиз жанг олиб борарди. Фашистлар шаҳарни қўлдан бермасликка қанчалик уринишмасин, жангчиларимизнинг шиддатли ҳужуми олдида гангиб, чекинишга мажбур бўлдилар.

Раззоқберган бу ерда пулемётчилар бўлинмасига командирлик қилар. Бердиали эса танк қушандаси бронтешар ПТРчи эди. Раззоқберганлар олдинроқда, Бердиалилар расчёти эса улардан икки юз метрлар орқароқдаги бутазорлар орасида яхши ниқобланиб олинганди. Йиқилган қурашга

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ни чўққидан пастга тортилган арқонларга боғлаб оладилар. Эркаклар олдинда кул қатламига найза суқиб, чуқурчалар ҳосил қилиб кетишади, аёллар эса ана шу чуқурчаларга шоли уруғини ташлаб, оёқлари билан текислаб кетишади. Мео деҳқонларини Лаосда «Тоғ ҳоқонлари» ва «Олов билан ер ҳайдаб, найза билан шоли экувчилар», деб аташади.

Мео деҳқончилиги қишлоқ хўжалигининг ибтидоий услубидан бир қолдиқдир. Қадимда деҳқончилик тарихи бошланган мезларда одамлар текисликдаги ўрмонларга ўт қўйиб, тўнкаларини чиқариб ташлаб, ер очганлар. Тоғ ёнбағирларида меолар очган ерлар икки йил яхши ҳосил беради, сўнг кулли тупроқни ёмғир ва сел водийга ювиб юборади. Энди бошқа жойга бориб, яна ўрмонга ўт қўйиш керак.

Эндиликда бундай деҳқончилик офатга айланди. Чунки тоғ ўрмонлари ёндириб юборилган жойларда муссон ёмғирлари катта шаршаралар ҳосил қилиб, тошларни пастдаги экинзорларгача оқизиб келмоқда, ўрмонлар қайта тикланмаганлиги сабабли об-ҳаво шаронтига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга қарамасдан олов билан ҳайдаб, найза билан осмоний шоли экиш фақат Лаосдагина эмас, Филиппин ва Малайя мамлакатларида ҳам мавжуд.

Бу мамлакатлар ҳукуматларининг оғир вазифаларидан бири —ана шу ибтидоий шоликорликка қарши тадбирлар кўришдан иборат бўлиб қолган.

К. МАҲМУДОВ.

«ЧАМАНЗОР ГУЛДАСТАСИ» ТАРОНАЛАРИ

Пахтакор районидаги навқирон Ульянов номли совхознинг «Чаманзор гулдастаси» ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса ҳам хўжалик ҳаваскор санъаткорлари ва К. Ушинский номидаги 7-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан иборат иккинчи истеъдод эгалари ўз репертуарларини жонажон она диёримиз, «оқ олтин» ижодкорларининг яратувчилик меҳнатлари, орзу-ўйлари, дўстлик ва самимий севги-муҳаббатни тараннум этувчи тароналар ҳисобига бойита бориб, дала меҳнаткашлари ҳурматини қозонмоқдалар.

Коллективнинг бадиий ва музика раҳбари Алижон Бурхонов ансамбль қатнашчилари ижрочилик маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу ташаббускор, жонкуяр санъаткор раҳбарлик қилаётган ижодий коллективни совхоз дала шийпонларида ва бевосита дала бошида тез-тез учратиш мумкин. Ансамбль қатнашчиларидан Муҳиддин Раҳматуллаев, Шавкат Эшматов, Ўктамжон Қаландаров, Гулжаҳон Исмоилова, Насиба Жўраева ва опа-сингил Гулчеҳра ҳамда Замира Даминовалар ижросидаги қизиқарли интермедия, дилрабо қўшиқ, шўхчан лапар ва жозибадор рақслар пахтакорлар ва олиҳиммат ҳаваскорларда яхши таассурот қолдирмоқда.

В. ҚАЛАНДАРОВ,
Жиззах области.

ҲАР ТЎҒРИДА

СУВ БЕРУВЧИ ДАРАХТ

Мадагаскарда ер юзининг бошқа ҳеч қаерида учрамайдиган дарахт ўсади. У маҳаллий тилда «Ранавала» деб аталади. Таржима қиладиган бўлсак бу сўз «сайёҳлар дарахти». деган маъноии билдиради. Бу ном шунинг учун ҳам берилганки, дарахт бўлиқ барглариниг ҳар бири ярим литргача сув беради. Бу сув ичиш учун яроқли бўлиб. муздек ва ҳуштаъм. Бундай хусусиятга эга бўлган «Ранавала» дарахти чангалзорларда адашиб қолган сайёҳларни бир неча бор қутқарган. Барглардаги сув запаси тез тўладн. 15—24 соат ичида у ўзини қайтадан тиклайди.

ДУНЁДА ЭНГ КАТТА КАТАЛОГ

Лондонда дунёда энг катта китоблаю каталоги нашр этилди. 745 томдан иборат каталогнинг оғирлиги 2,5 тонна. Унинг 525.800 саҳифасида дунёда 1556 йилдан то 1956 йилгача нашр этилган китобларнинг номи бор. Бундай каталогни тузиш учун 15 йил вақт кетди.

АСТРОНОМИЯ ВА СПОРТ

Ҳозир Ҳиндистонда чиқадиган газеталарнинг саҳифаларида, журналларнинг муқоваларида ва реклама тахталарида ўз қўринишн билан кишини ҳайрон қолдирадиган сирли «Мишра-Янтра» номдаги астрономия асбоби акс эттирилганлигини кўриш мумкин. Урта аср Деҳлиси Жантар Мантар обсерваториясининг асосий астрономия асбобларидан бири бўлган «Мишра-Янтра» шу йилнинг ноябрь ойида Ҳиндистон пойтахтида старт оладиган навбатдаги Осиё спорт ўйинларининг рамзий белгиси бўлиб қолди.

Ўйинлар ташкилотчилари буни бежиз танлаб олиншгани йўқ. Жантар-Мантар— Деҳлининг эътиборига сазовор архитектура ёдгорликларидан бири. Ўша даврнинг маърифатпарвар кишиларидан бири бўлган—магаража Жайпур Жай Сингх томонидан 1724 йилда қурилган бу бино бир қанча улкан иншоотларни ўзида бирлаштирган. Бу эса ҳинд олимларига коинотдаги юлдузлар ва планеталарнинг жойлашиш ўрнини аниқлаш, вақтни ниҳоятда аниқлик билан белгилаш, қуёш ва ойнинг ботишини олдиндан айтиб бериш имконини берган. Астрономиянинг ҳақиқий жонкуяри Жай Сингх Деҳли билан бир қаторда мамлакатнинг тўртта шаҳрида ҳам обсерватория қурдирган.

СТОМОТОЛОГ УЧУН ТЕЛЕВИЗОР

Европанинг қатор тиш даволаш клиникаларида фойдаланилаётган ниҳоятда кичкина видеокамерага «Телегиоет» номи берилган. Унинг ёрдамида телевизор экранида оқ-қора рангда беморнинг оғриётган тиши катта қилиб кўрсатилади. Бу эса оғриётган тишни даволашда врачга ҳар томонлама ёрдам беради. Германия Федератив республикасида чиқадиган «Штерн» журнали бу ҳақда хабар беради.

ҚОПЛОННИНГ ЎТМИШДАГИ АВЛОДИ

Германия Демократик республикасининг палеонтологлари уч йилдан бери мамлакатнинг жанубидаги Зуль шаҳридан унча узоқ бўлмаган Мейнинген деган жойда қазиш ишларини олиб бормоқдалар. Шу вақт мобайнида қачонлардир бу жойларда яшаган каркидонлар, бегемотлар ва филларнинг алоҳида суяклари ва яхлит склетлари топилди. Яқинда олимлар жуда катта ютуққа эришдилар. Улар илгари фанга маълум бўлмаган йиртқичнинг қолдиқларини топишга муваффақ бўлишди. Бу йирик ҳайвон мушуклар оиласидан бўлиб, у ҳозирги қоплонни эслатади. Веймар институти мутахассисларининг фикрича, бу топилманинг ёши 800 минг йилдан знёд деб белгиланди.

(ТАСС).

ҒОЛИБЛИК ИШТИЁҚИ

СССР чемпионатининг иккинчи лига зона ғолиблари ўртасидаги финал мусобақалари нескин курашлар остида ўтмоқда. Буни куни кеча ўтказилган галдаги учрашувлар ҳам яққол намойиш этди.

Маълумки Самарқандиниг «Динамо» командаси футболчилари иккинчи группада иштирок этишяпти. Вакилларимиз дастлабки ўйинни Могилевда маҳаллий «Днепр» коллективи билан ўтказиб, йириқ ҳисобда мағлубиятга учраганликлари ҳақида хабар берган эдик. Динамочилар финал турнирндаги иккинчи матчни ўз майдонларида ўтказишди. Бу сафар улар Черновцининг «Буковина» клуби билан куч синашдилар.

Самарқандликлар дастлабки минутларданоқ майдонга фақат ғолиблик иштиёқида тушганликларини намойиш этишди. Динамочилар тезкорликда тўп суриб, рақиблари дарвозаси олдида кўп лаб ҳавфли вазият содир қилишди. Ана шуларнинг тўрттаси меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олиш билан якунланди. Ҳимояда беҳато ўйин кўрсатган динамочилар ўз дарвозаларини даҳлсиз сақлаб қолишди.

Биринчи ва учинчи группалардаги финал турнири мусобақалари ҳам нескин спорт курашлари остида ўтяпти. Биринчи группада Ивановонинг «Текстильщик», Оржоникидзенинг «Спартак» ҳамда Абовянинг «Котайк» командалари ғолиблик учун бахс юритяпти. Навбатдаги турда Оржоникидзенинг «Спартак» командаси ҳам ғалаба қозонди. Оржоникидзеликлар ўз майдонларида «Котайк» клубини қабул қилиб, меҳмонлар дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди.

Учинчи группада Кемерованинг «Кузбасс», Қарағанданинг «Шахтёр» ва Челябинскнинг «Локомотив» коллективлари ўзаро куч синашишмоқда. Бу группада ҳам ғолиб чиқиш учун жанговар кураш боряпти. Чунончи, Қарағанданинг «Шахтёр» ва Кемерованинг «Кузбасс» клублари ўртасидаги навбатдаги учрашув 2:2 ҳисобида тугади.

МУҲАМАДЁРОВНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Болгариянинг Хасково шаҳрида спортнинг оғир атлетика тури бўйича ўсмирлар ўртасида Европа чемпионати ўтказиляпти.

СССР терма командаси сафида пахтакор ўлкамиз вакили тошкентлик Н. Муҳамадёров ҳам иштирок этди. Шуниси эътиборга лойиқки, умидли спортчимиз ўзига билдирилган ишончни шараф билан оқлади. 82,5 килограммгача бўлган вазнда иштирок этган Муҳамадёров қўшкурашда 360 килограмм натижа кўрсатиб, ёшлар ўртасида Европа чемпиони деган юксак унвон соҳиби бўлди.

Шу куни СССР терма командасининг яна бир аъзоси—краснодарлик Владимир Кузнецов ҳам (75 килограммгача бўлган вазнда) ҳурмат шохсупасининг юқори поғонасидан жой олиб, олтин медаль билан тақдирланди.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Ёшлар ўртасида каратэ бўйича ўтказилган СССР чемпионати ниҳоясига етди.

Қарағандада бўлган мусобақа давомида республикамиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Натижада Ўзбекистон терма командаси умумкоманда ҳисобида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. РСФСР каратэчилари биринчи, белоруссияликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда динамочи А. Ли ғолиблик шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди. Спартакчи Е. Бурьяненко иккинчи ўринни қўлга киритди. Уч вакилимиз — О. Тангриев, В. Тень ва М. Коганлар эса бронза медаллари билан тақдирланишди.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

Телевидение

ШАНБА

6 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
10.05 «Ота-оналар, Сизлар учун».
10.35 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.05 «Спортлото»нинг 45-тиражи.
11.15 Болалар учун. «Оловли болалик». Бадиий фильм.
12.20 И. Дунаевский қўшиқлари мавзуларига ёзилган фантазия.
12.30 «Москвичка». Телевизион клуб.
14.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
15.00 «Дунё воқеалари».
15.15 «Қалбга яқин қўшиқлар».
16.05 Мультфильмлар.
16.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал.
17.00 «Имконият чегараси». А. С. Пушкин номли Ленинград академик драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — И. Герасимов.
19.40 «Жаҳон халқларининг ижоди».
20.10 «Буюк халқ ҳақиқати». «Коммунистлар». 1-фильм. Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Кўрсатувни СССР халқ артисти М. Ульянов олиб боради.
21.30 «Время».
22.05 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси.
23.40 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 Грузия ССР халқ артисти М. Яшвили чалади (скрипка).
9.40 «Мен —говвос-2». Бадиий фильм.
11.00 «Тонгги почта» музикали программаси.
11.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. 1-лига. «Локомотив» — «Факел». «Локомотив» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
13.00 «Инсон — ер ҳўжайини». 14.00 «Горький болалиги». Бадиий фильм.
15.35 «Қадрдон Подмосковье». Ҳужжатли фильм премьераси.
15.55 «Тўрт пионер борарди». Мультфильм.
16.05 «Жон Филд». Телевизион музикали фильм.
17.00 «Кинотомошабин қамроҳи».
17.45 Халқаро обзор.
18.00 «Киносаёҳатчилар клуби».
19.00 «Балтика шуҳрати». Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Музикали киоск». визион ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Химик». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик».
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар».
11.10 Алла Пугачёва концерти.
12.35 «Тутқич бермас қасоскорлар». Бадиий фильм.
14.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Пионер горнлари янграйди». Фильм-концерт.
18.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.15 «Ахборот» (рус.).
19.30 В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин». Поэма.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. Янги